Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 43 (1264) • 2019-yil 25-oktabr, juma

## «ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Сиз, азизларни Ўзбекистон рангли металлургия саноатининг етакчиси — Олмалиқ кон-металлургия комбинати ташкил топганининг қутлуғ 70 йиллик санаси муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

Комбинат тарихи республикамизда рангли, нодир ва қимматбаҳо металларни қазиб олиш ҳамда уларни қайта ишлашга қаратилган мутлақо янги тармоқнинг яратилиши ҳамда йирик ишлаб чиқариш қувватлари ва замонавий Олмалиқ шаҳрининг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқдир. Бу тарих замирида шонли анъаналарни муносиб давом эттираётган, бутун билим ва тажрибаси, маҳорати, қалб қўрини ўз ишига бахшида этиб, фидокорона меҳнат қилаётган минг-минглаб одамларнинг жуда катта машаққатли хизматлари мужассам.

Корхонанинг бунёд этилиши мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари учун стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни кенг кўламда ўзлаштиришга йўл очиб берди.

Сизларга маълумки, бугунги кунда юртимиз тараққиётининг янги босқичида биз саноат ва иқтисодий салоҳиятимизни ҳар томонлама ривожлантиришга устувор аҳамият қаратмоқдамиз.

Комбинат мисолида оладиган бўлсак, бу борада ўтган йили қабул қилинган "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор корхона фаолияти учун катта имкониятлар яратиб бермоқда.

Ушбу улкан мажмуанинг кўп миллатли ва аҳил жамоаси республикамизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган чуқур таркибий ислоҳотлар жараёнида, бутун мамлакатимизни, миллий иқтисодиётимизни тубдан модернизация қилишда фаол иштирок этаётганини барчамиз яхши биламиз ва чексиз қадрлаймиз.

Ҳеч шубҳасиз, Ватанимизнинг куч-қудрати ўсишида, Ўзбекистонда қазиб олинаётган қимматбаҳо ва рангли металларнинг юксак сифати бутун дунёда алоҳида эътироф этилишида иқтисодиётимизнинг локомотиви ҳисобланган комбинатнинг 35 минглик жамоаси салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда мажмуа томонидан Тошкент, Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларидаги қимматбаҳо ва рангли металлар энг илғор технологиялар асосида, етакчи хорижий компаниялар ҳамкорлигида жадал ўзлаштирилмоқда, харидоргир маҳсулотлар ҳажми оширилиб, уларнинг 70 фоиздан ортиғи экспорт қилинмоқда.

Жаҳон бозоридаги кескин рақобат шароитида ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида комбинатнинг узоқ муддатли модернизация дастури ишлаб чиқилди.

Айни пайтда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилаётгани айниқса эътиборга лойиқ. Хусусан, "Ангрен" эркин иқтисодий зонасида барпо этилган Ангрен қувур заводи, Жиззах вилоятида цемент заводи фойдаланишга топширилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳудудида энг йирик — бир йилда 60 миллион тонна рудани қайта ишлаш салоҳиятига эга бўлган мис бойитиш фабрикаси ва бошқа замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг қурилиши бошланди.

Энг муҳими, олиб борилаётган жадал ва тизимли бунёдкорлик ишлари натижасида маҳаллий аҳоли учун минглаб қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Яқин йилларда комбинатни модернизация қилиш дастури доирасида 2023 йилга келиб ишлаб чиқариш ҳажмининг 2,5 баробарга ўсишини таъминловчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

Барчамиз яхши биламизки, ишлаб чиқаришни тубдан янгилаш ва илмий технологияларни жорий этиш масалалари юқори малакали кадрларни талаб қилади. Шу боис, белгиланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлашга қодир бўлган замонавий ва етук мутахассисларни тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Олмалиқда фаолият юритаётган Тошкент давлат техника университетининг филиали, шунингдек, ўтган йили ташкил этилган Россия Федерациясининг Миллий технологик тадқиқотлар университети Москва пўлат ва қотишмалар институти филиали ушбу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Корхонанинг барча ишчи-ходимлар учун муносиб ҳаёт ва меҳнат шароитларини, уларга ҳамма қулайликларни яратиб бериш борасидаги ижобий тажрибасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бугун бу ерда замонавий уйлар, маданият ва спорт масканлари, равон кўчалар, кўркам ва файзли гўшалар, бир сўз билан айтганда, зарур инфратузилмалар бунёд этилмоқда. Бу беқиёс рағбат ва эътиборнинг яққол мисолини — йилдан-йилга ривожланиб, хорижий меҳмонлар ва инвесторлар учун жозибадор бўлиб бораётган Олмалиқ шаҳрининг обод ва фаровон қиёфасида ҳам кўриш мумкин.

Ҳурматли дўстлар!

Бугунги шиддатли даврнинг ўзи бутун халқимиз қатори комбинат жамоаси олдига ҳам миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган муҳим ва стратегик вазифаларни қўймоқда.

Мажмуа базасида юқори технологик ва қўшимча қийматга эга харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, бу йўлда юртимизнинг табиий, меҳнат ва интеллектуал ресурсларидан тўлақонли фойдаланиш масалалари ғоятда долзарб бўлиб турибди.

Ишончим комилки, комбинатнинг юксак касбий маҳоратга, бой билим ва малакага эга меҳнаткашлари бу муҳим ҳамда дастуриламал вазифаларни шараф ва матонат билан уддалайдилар.

Ушбу айём муносабати билан сизларни яна бир бор самимий муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат, жонажон Ўзбекистонимиз равнақи йўлида олиб бораётган бунёдкорона меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

САЙЛОВ — 2019




### Ҳукумат қарорларидаги айрим вазифалар

## НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан мамлакатимизнинг шаҳар ва туманларида партиянинг ҳаётбахш ғоялари, юртдошларимизнинг манфаатлари акс этган шиорлар асосида митинг, акция ва сайллар давом этмоқда. Ушбу тадбирларда партиямизнинг ғоя-мақсадлари юртдошларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги эътиборга молик.

4

ҲИСОБОТ-КОНФЕРЕНЦИЯ

## Халқ фикрига таянган адашмайди

Жорий йилги сайловларда муваффақиятли иштирок этиш, партиядан кўрсатилган номзодлар сайловчиларнинг кўпчилик овозига эга бўлиши Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча бўғиндаги тузилмалари, айниқса, партия депутатлари томонидан сайловлар оралиғида амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга ҳам узвий боғлиқдир. Айни кунларда ўтказилаётган ҳудудий партия ташкилотларининг ҳисобот-конференцияларида шу мавзуда танқидий-таҳлилий жиҳатдан сўз юритилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинмоқда.

**ФАРҒОНА. Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгашининг VIII ҳисобот-сайлов конференциясида жорий йилги сайловларга тайёргарлик ҳамда 2015-2019 йилларда амалга оширилган ишлар ва келгуси вазифалар муҳокама этилди.**

— Ҳисобот даврида ҳудудда партиянинг ишчи гуруҳлари томонидан 1038 та маҳалла фуқаролар йиғини ва 306 та хўжалик юритувчи субъектларда ўрганишлар олиб борилди, 18700 дан зиёд хонадонларда бўлиб, фуқароларни ўйлантираётган муаммолар аниқланди, — деди вилоят партия кенгаши раиси Шерзод Каримов. — Учрашувлар мобайнида аҳоли томонидан келиб тушган 2874 та мурожаат юзасидан мутасадди ташкилотларга 732 та депутатлик сўрови юборилди. Шундан 721 та масала ижобий ҳал этилди, Шунингдек, 250 дан ортиқ мурожаатлар мутасадди органларни жалб этиш, 130 га яқин мурожаатлар ҳуқуқий маслаҳатлар бериш орқали ўз ечимини топди.

Барча шаҳар, туманлар партия кенгашларида ташкил этилган "Адолат" қабулхоналарига ўтган уч йил давомида вилоятимиз бўйича 520 та мурожаатлар келиб тушди. Шундан 490 таси ижобий ҳал этилди. Партиямизнинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида эса 23 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

3

25 ОКТЯБРЬ — ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

## Эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиш – олий мақсадимиз

### Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбат



Жаннатмонанд юртимизнинг қай бурчига назар солманг, бунёдкорлик ишларига, халқимизнинг яратувчилик меҳнати билан бандлигига гувоҳ бўласиз. Оқшомлари эса юртдошларимиз шаҳарларимизнинг боғу роғларида, сайилгоҳларида бехавотир сайр этиб юрганини кўриб қувонасиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик шарофатидан. Гўзал диёримизда тинчлик-осойишталик, ҳуқуқ-тартиботнинг таъминланишида эса ички ишлар органларининг муносиб ҳиссаси бор, Мазкур соҳа вакилларининг касб байрами арафасида мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов билан суҳбатлашди.

6

"Бизни кемиргувчи иллатлар". Беҳбудий ана шундай иллатлардан энг йирик иккитасини — тўй ва азани санаб ўтган ва уларни "икки қаттол душман" деб атаган.

## "Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй..."



8

МУНОСАБАТ

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси раҳбари**

## Тил сиёсати янада такомиллаштирилади

Мамлакатимиз ўтмишига назар ташласак, эришган улкан ютуқларимиз билан бирга кўплаб саналар тарихий аҳамият касб этганлигига ҳам гувоҳ бўламиз. Айниқса, халқнинг асрий қадриятларини абадий тирик сақловчи асосий восита ва миллатнинг томирида оқаётган қон, дея таъриф этиладиган давлат тилимиз ҳақида қонун қабул қилинган сана — 1989 йил 21 октябрь биз учун ўзгача шукуҳ ва беқиёс ғурур бағишловчи сана ҳисобланади.

Мана 30 йилдирки, ушбу кун юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун сифатида нишонлаб келинмоқда.

Ушбу қутлуғ сана тарихимизда янада юксак қадрланишига замин яратилди. Яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига кўра, 21 октябрь санаси "Ўзбек тили байрами куни" деб эълон қилинди.

Пойтахтимиз марказида бунёд этилган "Тошкент-Сити" ишбилармонлик марказида қад ростлаган муҳташам "Конгресс-холл" саройининг илк очилиши ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросим билан бошланганлигида ҳам рамзий маъно бор. Она тилимиз мамлакатимизнинг янги тарихи, янги тараққиёти, халқимиз яратувчилик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш бетакрор бунёдкорлик асослари барпо этилишига ҳам хизмат қилмоқда.

5

# БУГУНГИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗ ЭЛ-ЮРТИМИЗ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 октябрь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент метрополитенининг Юнусобод йўналиши иккинчи босқичида олиб борилаётган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Кейинги йилларда Тошкент метрополитенини ривожлантириш, унинг янги йўналишларини ишга тушириш ва йўловчиларга янада қулайликлар яратиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар транспорт тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, метрополитен аҳолига пойтахтнинг исталган ҳудудига тез ва хавфсиз етиб олиш имконини беради. Бундан ташқари, барча метро йўналишларида бепул Wi-Fi ишламоқда, келаси йилдан Тошкент метрополитенида уяли алоқа тизимини йўлга қўйиш режалаштирилган. Буларнинг барчаси метрода йўловчи ташиш кўламини бир неча баробар оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу жамоат транспорти хизматидан кунига 240 минг йўловчи фойдаланса, жами 21 километрдан иборат учта янги – Юнусобод, Сергели ва Қўйлиқ йўналишлари қурилиши натижасида яна 150 мингдан зиёд киши қамраб олинади. Бу аҳолига катта қулайлик яратиш баробарида, кўчалардаги тирбандликни бартараф этиш ва йўловчилар хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Президентимизнинг 2016 йил 7 ноябрдаги қарорига мувофиқ, барпо этилаётган метрополитеннинг Юнусобод йўналиши иккинчи босқичи бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиради.

Иншоотнинг умумий қиймати 103,8 миллион доллар бўлиб, қурилиш бошланганидан буён 67,5 миллион долларлик иш бажарилган. «Шаҳристон» бекатидан қарийб 3 километр йўл тортилиб, иккита янги — «Юнусобод» ва «Туркистон» станциялари қурилган. Туннелнинг ўнг қисми тўлиқ бурғиланиб, темир-бетон билан мустаҳкамланган. Чап туннелни бурғилаш, ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини кўчириш тез кунларда якунланади. Янги метро бекатларида қурилиш-монтаж ишлари жадал олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари «Туркистон» бекатида амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, қурилиш сифати ва йўловчилар учун қулайлигига алоҳида эътибор қаратди.

— Бу бунёдкорлик ишлари халқимизга бўлган юксак эҳтиромимиз ифодасидир. Шу боис, энг муҳими, сифатга эътибор қаратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қурилиш ишларига Германия технологияси ва мутахассислари жалб этилган. Сифат ва хавфсизлик ҳам Германия стандартларига мувофиқ бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу ерга ўтган йилги ташрифи чоғида метрополитен ва автобус қатновларини оптималлаштириш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур босқичнинг ишга туширилиши натижасида Юнусобод туманида қатнайдиган автобуслар сони ва масофаси анча қисқариб, кунига 5,5 тонна ёқилғи иқтисод қилинади. Йўловчиларнинг манзилига етиб олиши 20 дақиқага тезлашади.

Шу ерда "Буюк ипак йўли" метро бекатидан "Тошкент трактор заводи" автошоҳбекатигача бўлган янги йўналиш, Самарқанд халқаро аэропортининг янги терминали лойиҳалари тақдимоти ўтказилди.

Президент Чилонзор туманидаги "Ориент керамик" масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда экспортга йўналтирилган янги турдаги рақобатбардош қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ушбу маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни қондиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса маҳаллий ва хорижий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил Чилонзор туманига ташрифи доирасида "Ориент керамик" корхонаси лойиҳаси билан танишган, уни ўз вақтида ва сифатли якунлаш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг корхонага Чилонзор тумани ҳудудидан 3,6 гектар жой ажратилди. Ўтган вақт мобайнида замонавий корхона биноси қад ростлаб, хориждан керамика маҳсулотлари ва кафель ишлаб чиқарадиган ускуналар келтириб ўрнатилди.

Шавкат Мирзиёев мазкур корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Жорий йил июль ойида фаолият бошлаган корхонанинг умумий қиймати қарийб 14 миллион доллар бўлиб, йилига 3,6 миллион квадрат метр керамик маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 270 ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Аҳамиятли жиҳати, корхона маҳсулотлари деярли 100 фоиз маҳаллий хомашёдан тайёрланмоқда. Шу боис бу ерда тайёрланаётган кафеллар хорижникидан бир неча баробар арзон нархларда ички бозорга чиқарилмоқда.

Айни пайтда корхона маҳсулотларининг 30 фоизи Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Ўтган ойларда 500 минг долларлик маҳсулот экспорти амалга оширилган.

Президентимизга "Ориент керамик" МЧЖ томонидан 2020-2021 йилларда амалга оширилиши белгиланган лойиҳа ҳақида ҳам маълумот берилди. Умумий қиймати 25 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида йилига 7,3 миллион квадрат метр импорт ўрнини босувчи керамогранит кафеллар ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ушбу маҳсулотлардан асосан бино ва иншоотларнинг ташқи қисмини безашда фойдаланилади. Корхона ишга туширилгач, яна 700 та янги иш ўрни яратилади.

Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган ушбу лойиҳа натижасида 120x60, 90x30, 80x40, 80x80 ўлчамдаги замонавий кафеллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳозирда ана шундай маҳсулотлар мамлакатимизга тўлиқ импорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу жамият негизида барча вилоятларда кичик корхоналар ташкил этиш, логистикага қулай жойлар ажратиб, уларни керамик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кластер тизимида ишлатиш, маҳсулот турини кўпайтириб, нархини тушириш эвазига экспорт ҳажмини ошириш зарурлигини таъкидлади.



Шу ерда Тошкент шаҳрида саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарига Чилонзор тумани жануби-ғарбий саноат ҳудудида амалга оширилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Унга кўра, 313 гектар майдонда ташкил қилинган 256 корхонада 9600 дан зиёд иш ўрни яратилган.

Шавкат Мирзиёев ҳар бир лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб берди.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти буюртмаси ва "Боштранслойиҳа" акциядорлик жамияти лойиҳаси асосида "Кўприк қурилиш тресті" унитар корхонаси томонидан барпо этилаётган Тошкент метрополитенининг Сергели метро йўналишида қурилиш ишлари авжида.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишда олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Лойиҳа доирасида узунлиги 7,1 километр бўлган метрополитен линияси ва 6 та бекат қурилиши белгиланган. Объект қурилишига 82,6 миллион доллар маблағ сарфланади.

2017-2020 йилларда қуриб битказилиши режалаштирилган лойиҳа бошлангандан буён 42,44 миллион долларлик иш бажарилган. Айни пайтда "Чоштепа", "Тошкент халқа йўли", "Сергели", "Афросиёб", "Қипчоқ" ва "Чинор" каби 6 та бекатда қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.

Жумладан, "Тошкент халқа йўли" бекатида ташқи фасадни мармар билан қоплаш, электр ёритиш ва ташқи безак ишлари якунланган. Платформа тўсинларини монтаж қилиш ишлари тугалланган. Бекатнинг йўловчи платформаси металл конструкцияларини ўрнатиш ишлари бошланган.

"Сергели" бекатида пойдевор қуйиш, котлован қазиш, ғишт териш ва эскалатор пойдеворини қуйиш ишлари тўлиқ якунига етказилган. Қолган бекатларда ҳам бундай ишлар сифатли амалга оширилган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур метро линиясининг аҳамиятли жиҳати шундаки, у нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёда ҳам бугунги кунгача қўлланилмаган бутунлай янгича эстакада усулида бунёд этилмоқда. Бекатларда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида махсус лифт ва эскалаторлар ўрнатилади.

Президентимизга метро йўналишида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Сергели йўналиши Чилонзор линиясининг «Олмазор» бекатига уланади. Шу тариқа аҳоли кўп яшайдиган Сергели тумани шаҳар маркази ва бошқа туманлар билан яна бир восита орқали боғланади. Жумладан, Сергелидан метрога ўтирган йўловчи «Буюк ипак йўли» бекатигача бошқа линияга ўтмасдан етиб олиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари Сергели йўналишининг Чилонзор йўналишидаги «Олмазор» бекатига боғланадиган қисмида амалга оширилган қурилиш ишларини кўздан кечирди.

Сергели туманининг ривожланиб бораётгани, кўп қаватли янги уйлар қурилаётгани нуқтаи назаридан бу метро йўналиши улкан аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Йўловчиларнинг метрополитенгача етиб олиши ва метрода ҳаракатланиши учун яратиладиган шароитлар билан қизиқди.

Шавкат Мирзиёев Яшнобод туманига ташриф буюриб, ерусти ҳалқа метросининг қурилиши билан ҳам танишди.

Давлатимиз раҳбари ушбу йирик қурилиш жараёни билан бир неча бор танишган, бунёдкорлик ишларини янада жадаллаштириш ва сифатли якунлаш бўйича топшириқлар берган эди.

Узунлиги қарийб 55 километр бўлган ва 35 бекатдан иборат ушбу транспорт тармоғи метро лойиҳасининг қиймати 422,3 миллион долларга тенг. Лойиҳа беш босқичда амалга оширилади. Дастлаб метронинг "Дўстлик" бекатидан «Қўйлиқ» бозоригача бўлган қисми қурилади. 11 километрлик масофада 7 бекат бунёд этиш мўлжалланган. Иккинчи босқичда «Қўйлиқ» бозори билан "Олмазор" бекати боғланади. Сўнг "Беруний" бекатигача, ундан кейин "Бодомзор" бекатигача бўлган қисмлар қурилади. Сўнгги босқичда эса ҳалқа метро линияси яна "Дўстлик" бекатига уланади.

Давлатимиз раҳбари янги келтирилган поездга чиқиб, қурилиши якунланган «Дўстлик-2» ва «Оҳангарон» бекатлари оралиғида юриб кўрди, станцияларда яратилган шароитларни кўздан кечирди.

Айни пайтда "Дўстлик-2" — "Қўйлиқ" йўналишида қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бунёдкорлик ишларига 2 мингдан ортиқ муҳандис ва ишчи, 300 га яқин техника жалб қилинган.

Бекатлар йўловчиларга қулайлик яратувчи замонавий технологиялар, йўлкирани электрон тўлаш имконини берувчи турникетлар, эскалатор билан жиҳозланган.

«Қўйлиқ» бозоригача бўлган қолган қисмида ҳам пойдеворлар қуйилиб, таянч ўрнатиш ишлари якунланган.

**ЎзА**

---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## «ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИЛҒОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, кон-металлургия саноатини замонавий технологиялар асосида ривожлантириш ва унинг барқарор ишлашини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш йўлидаги улкан хизматлари, тизимни тубдан такомиллаштириш, жаҳон андозаларига мос янги корхоналарни ташкил этиш, стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал бойликларни самарали ўзлаштириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, кўп миллатли меҳнат жамоасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш борасидаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:**

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Анарбаев Алижон Миноварович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

**Хатамов Масидик Жавакович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси Қизил олма шахтаси портлатувчиси

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Ашурматов Ғани Тухтаматович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси Пирмироб шахтаси лаҳим ўтувчиси

**Исаков Махамадамин Мамадумарович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси директори

**Князькин Михаил Николаевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи механика-йиғув цехи сайқалловчиси

**Мирахмедов Хасан Тургинович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси директори

**Рахманов Музафар Абдикаримович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «БелАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

**Седов Сергей Анатольевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси шарқий карьери экскаватор машинисти

**Сидиков Равшан Мирзабекович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси директори

**Усманова Саяра Душабаевна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси бойитиш маҳсулоти назоратчиси

**Холбаев Мирзадулла Жангилович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи мис электролизи цехи катодчиси

**Хузин Вагиз Кадимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи электролит цехи эритувчиси

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдулаева Ленура Решатовна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг портловчи материаллар заводи етакчи муҳандис-технологи

**Абдулҳаметов Аҳмаджон Абдулмажитович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Чодак кон бошқармаси директори

**Азимов Тургунбек Ибрагимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи темирчилик-пайвандлаш цехи чилангари

**Байматов Абдумажит Ниязович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси Кўчбулоқ шахтаси машинисти

**Дромашко Алексей Владимирович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси бульдозер машинисти

**Ирназаров Шерзот Журакулович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи вельцлаш цехи катта устаси

**Исакулов Нарали Уразбаевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси майдаловчиси

**Караев Сервер Сериянович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси тепловоз машинисти

**Каримов Туляган Кадирович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг электр тармоқлари бошқармаси тармоқлар ва нимстанциялар цехи устаси

**Мамадалиев Абдухалил Аширалиевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси майдалаш цехи ғалвирловчиси

**Махмудова Мухабат Рискитулаевна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг нодир металлар ва қаттиқ қотишмалар ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси

**Мухамедов Улугбек Яркинович** — «SFI MANAGEMENT GROUP» хорижий корхонаси бош директори

**Турсунқулов Асад Назарович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи мис электролизи цехи бошлиғининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари

**Хурсанов Нуритдин Жумаевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Хонжиза кон бошқармаси шахтаси лаҳим ўтувчиси

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдукадиров Илхом Азимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг рух заводи куйдириш цехи куйдирувчиси

**Анаров Ширали Ахмедович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ковулди кони шахта усти участкаси бошлиғи

**Байсупов Камолиддин Турсуналиевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «БелАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

**Жуманазаров Баходир Иркинович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг 2-мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи тегирмон машинисти

**Имомов Зохиджон Шарифович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи эритувчиси

**Касимов Сираджиддин Нематович**— «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг марказий таъмирлаш-механика заводи қуйиш цехи пўлат эритувчиси

**Касимов Хамра Авалбаевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи металлургия цехи ишлаб чиқариш участкаси бошлиғи

**Колдакова Юлия Юрьевна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Металлург» маданият саройи халқ жамоаси балетмейстери

**Қамбаров Абдуқодир Мукумжонович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Қалмоққир кон бошқармаси устки қатламни очиш карьери бурғилаш қурилмаси машинисти

**Мальцева Аида Викторовна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятига қарашли 22-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси

**Рустамов Отабек Илхамжанович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ковулди кони бошлиғи

**Сафаров Рустам Султанович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг саноат темир йўл транспорти бошқармаси электровоз машинисти

**Топилов Абдумалик Абдукаюмович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг автомобиль транспорти бошқармаси «КамАЗ» автомашинаси ҳайдовчиси

**Умурзаков Бахоуддин Каримович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг саноат сув таъминоти цехи электр таъмирловчиси

**Урунбаев Музаффар Ибадуллаевич** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармаси таъмирловчи-чилангари

**Хошимов Боходир Алимович** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси тегирмон машинисти

**Шарапова Муаззам Рамазоновна** — «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Хонжиза кон бошқармаси бойитиш фабрикаси реагент қорувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2019 йил 23 октябрь*

# Халқ фикрига таянган адашмайди

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Партия депутатлари ташаббуси билан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сессияларида мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари жами 29 маротаба эшитилди. Халқ депутатлари шаҳар, туманлар Кенгашлари сессияларида сафдошларимиз долзарб муаммолар юзасидан 38 та, доимий комиссиялари мажлисларида 38 та масала кўриб чиқилишига эришдилар.

Аммо халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлари томонидан сессияга киритилган масалалар сони бармоқ билан санарли эканини қандай изоҳлаш мумкин?! Ваҳоланки, улар туман, шаҳар кенгашларидаги сафдош депутатларга ибрат кўрсатиши лозим эди.

Анжуманда қайд этилганидек, партия лойиҳалари ижросига қаратилган саъй-ҳаракатларимиз фуқароларда бизга хайрихоҳликни кучайтирмоқда. Лекин бу борада сусткашликка йўл қўйган ташкилотларимиз ҳам йўқ эмас.

Жорий йилдаги сайловларда муносиб иштирок этиш учун олдинги сайлов кампанияларидаги фаолиятимиздан танқидий хулосалар чиқариш зарур. Авваллари айрим жойларда муносиб номзодларни танлаш ва саралашга эътиборсизлик билан ёндашилгани, ўз навбатида, номзодларнинг ҳам сайловчилар билан учрашувлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги кузатилган. Бу ҳолат сайлов натижаларига ҳам салбий таъсир кўрсатган эди.

Эндиликда бундай камчиликларни такрорламаслик, берилган ваколатлардан унумли фойдаланиш, ҳар бир ҳокимият вакиллик органида камида битта депутатлик гуруҳи тузишга эришиш шарт.

Конференцияда ҳисобот даврида ўзининг фаоллиги ва ташаббускорлиги билан самарали натижаларга эришган вилоят ва шаҳар, туман Кенгаши депутатлари партия томонидан тақдирланди.

**БУХОРО. Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясида ўтган даврда ҳудудий партия ташкилотининг Сайловолди дастуримиз ижросини таъминлашдаги фаолияти, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг 2015-2019 йилларда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи муҳокама этилди.**

Вилоят партия кенгаши раиси Мақсуд Ҳамидов ўз маърузасида ҳудудда партия ташкилотлари томонидан беш йил давомида амалга оширилган ишлар хусусида танқидий-таҳлилий жиҳатдан ёндашиб, сўз юритди.

— Эришилган ютуқлар ҳудудда партияга ишончни мустаҳкамласа, камчилик ва сусткашликлар унинг ишига салбий таъсир қилади, — деди М.Ҳамидов. — Шу маънода Пешкў, Қоровулбозор, Ғиждувон, Бухоро туманлари партия кенгашлари ўз ишида бир қатор камчиликларга йўл қўйиб, ҳар бир вазифага лозим даражада масъулият билан ёндашмаганлиги кўзга ташланади. Депутатлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бу борада ҳам имкониятлардан етарлича фойдаландик, деб бўлмайди. Эл дардини юрагидан кечириб ишлаётган депутатлар бор, аммо баъзи депутатлар масъулиятни ҳис этмаганлиги уларнинг фаолиятсизлигида яққол кўриниб турибди. Ушбу масалада қуйи партия ташкилотлари раҳбарларидан ҳам хатолик ўтди, десак янглишмаймиз. Чунки сайловчилар олдида берган ваъдасини бажармайдиган, ваколатларга муносиб равишда электорат манфаатларига эътибор қилмаган депутатларга ўз вақтида қонуний чора кўришга лоқайд қарамаслик керак эди. Булардан тўғри хулоса чиқаришимиз шарт.

Ҳисобот даврида Шофиркон, Вобкент, Когон туманлари ва Когон шаҳар кенгашларида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. Партия ходимлари ҳамда депутатлар фуқаролар билан ишлашда ҳар бир муаммонинг аниқ ечимига эътибор қаратиб, ўрганишлар асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессияси ва доимий комиссияларига масалалар киритганлиги анжуманда эътироф этилди.

— Одамларнинг дардини тингласангиз, муаммолар ечимига йўл-йўриқ топилади. Фуқаролар ижтимоий ҳаётга бефарқ эмас, уларнинг ўз сўзи, таклифлари бор. У ёки бу масалада бизга мурожаат қилган фуқаро, демак, шу муаммонинг ичида яшайди, биз билан фикрлашади. Очиқ мулоқотларда ўртага ташланган муаммоларни ҳал этишда аҳолининг фикрига таяниб иш кўрганимиз панд берган эмас. Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди, деганимизда биз шу ижобий жиҳатларни ҳам назарда тутамиз, — дейди халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши депутати Нодира Холова.

Конференция ишида бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги Қурултойига делегатлар сайланди.

**СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилоят кенгашининг VIII сайловолди ҳисобот-конференцияси ўтказилди. Унда партия ходимлари, депутатлар, шаҳар, туман партия кенгашлари конференцияларида сайланган делегатлар, фаоллар, "Аёллар ва Ёшлар қаноти" ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.**

Анжуманда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Дилшунос Абдуллаева ташкилотнинг беш йиллик фаолиятига доир бир қатор рақамларни келтириб ўтди.

— Ютуқ ва камчиликларимиз рақамларда ҳам акс этмоқда, — деди Д.Абдуллаева. — Аммо муҳими, шаҳар ва қишлоқларимиз аҳолисини ўйлантираётган муаммоларни кўпроқ ҳал этиш, юртдошларимизда партия ғояларининг ҳаётий ва халқчил эканига қатъий ишонч ҳосил қилиш, вилоятда партиямизнинг сиёсий куч сифатида обрўсини мустаҳкамлашдир.

Жорий йилги сайловлар муносабати билан олдимизда масъулиятли ташкилий-партиявий вазифалар турибди. Аввало, фаолиятга танқидий ёндашиб, таҳлиллардан аниқ хулосалар чиқариб иш кўришимиз зарур. Мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, янги меъёрлар сиёсий



партияларнинг фаол ишлаши, тенг ва соғлом рақобат асосида депутатлик ўринлари учун кураш олиб боришида имкониятларни кенгайтирди. Сайловларда яхши натижаларга эришиш ўз салоҳиятимизга, ҳар бир ҳудудда фуқаролар ишончини қозониб, партиямиз ғояларига халқни эргаштира олишимизга боғлиқдир.

Ҳисобот-конференциясида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг навбатдаги Қурултойида иштирок этиш учун делегатлар сайланди ва муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**НАМАНГАН вилоят партия кенгашининг VIII ҳисобот-сайлов конференциясида мазкур ташкилотнинг ҳисобот даврида дастурий вазифаларимиз ижросига доир фаолияти атрофлича муҳокама қилинди.**

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси Исроил Жўраев ўз маърузасида кейинги уч йилда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, сиёсий соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй берганини қайд этди.**



— Бугунги кунда вилоятда 536 БПТга бирлашган 28600 нафардан зиёд сафдошларимиз партиямизнинг ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишда, Сайловолди дастурида қўйилган вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатмоқдалар, — деди И.Жўраев. — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят ташкилоти ўз фаолиятини янги талаблар асосида ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Ҳисобот даврида электорат ва аҳолининг кенг қатлами билан мулоқот қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини оширишга ҳаракат қилдик. Жумладан, 2018-2019 йилларда вилоят партия кенгаши тизимидаги "Адолат қабулхоналари"га фуқаролар ва юридик шахслардан жами 260 та мурожаат келган бўлиб, уларнинг 176 таси партия депутатлари томонидан тегишли ижро органларига депутатлик сўровлари чиқариш орқали ҳал этилган бўлса, 74 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди. 10 та мурожаат айни вақтда ижро жараёнида бўлиб, улар устидан депутатлик назорати ўрнатилган.

Партиямиз лойиҳалари доирасидаги амалий ишлар фуқароларда илиқ муносабат уйғотмоқда. Хусусан, "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида ҳар ҳафтанинг чоршанба куни партия депутатлари ва фаоллардан иборат ишчи гуруҳлар жами 1490 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги 15492 та хонадонларга ва 819 та ижтимоий ташкилотларга ташриф буюрди. Шу орқали аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни ўрганиб, ижобий ечим топишда кўмаклашилди. Юзма-юз мулоқотлар жараёнида тушган 2916 та мурожаат юзасидан тегишли ташкилотлар мутасаддиларига 192 та депутатлик сўрови чиқарилиб, муаммолар ҳал этилди. 468 фуқарога эса мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Шунингдек, партиянинг янги лойиҳаларидан бири бўлган "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида 2019 йилнинг 9 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Натижада 189 нафар тайинли бир машғулотга эга бўлмаган кишилар ишга жойлашди. Аммо ҳамма ерда ҳам бу борада яхши кўрсаткичларга эришилгани йўқ. Мазкур лойиҳа доирасидаги ишларни Наманган, Норин, Чуст, Янгиқўрғон, Поп туманлари партия кенгашлари ҳам тўғри ташкил этганида натижалар янада салмоқли бўлар эди.

Анжуманда сўзга чиққан партия фаолларидан Рустамжон Хўжамбердиев, Содиқжон Аҳмедов, Саидолим Абдураҳмонов, халқ депутатлари Янгиқўрғон тумани Кенгашидаги "Адолат" СДП гуруҳи раҳбари Дилбар Асқарова ва бошқалар эришилган ютуқлар билан биргаликда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритдилар.

Шу билан бирга, жорий йилги сайловларда муносиб иштирок этиш ҳақида сўз кетар экан, аввалги сайловдаги натижаларни танқидий таҳлил этиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Маълумки, 2014 йилда Наманган вилоят партия ташкилоти кўрсатган номзодлардан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига икки нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига — 8, шаҳар ва туманлар Кенгашларига 48 нафари депутат қилиб сайланган эди. Бўшаб қолган депутатлик ўринларига эса партия номзодларидан икки нафари сайланган.

Албатта, бу натижалар бизни қониқтира олмайди. Айрим жойларда муносиб номзодлар кўрсатилмаганлиги, уларни саралашга эътиборсиз ёндашув шаклланганлиги, сайловларда ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари раислари ўз номзодини тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларига илгари сурмаганлиги салбий аҳамият касб этганлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас.

Қолаверса, сайловларни юқори даражада ташкил этиш юзасидан партия кадрлари учун мақсадли ўқув етарли даражада олиб борилмаганлиги, кадрлар қўнимсизлиги, қатор сайлов участкалари партиядан кузатувчи ва ваколатли вакил билан таъминланмаганлиги, номзодларимиз ҳам тарғибот тадбирларини кам ташкил этганлиги муваффақиятга эриша олмаганимизга сабаб бўлди.

Жорий йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида бундай камчиликларга йўл қўймаслик чоралари кўрилмоқда. Яқинда кузатувчилар ва ваколатли вакиллар ўқуви ташкил этилди. Сайловолди кампаниясини ташкил этиш учун амалий қўлланмалар, адабиётлар билан таъминланган. Сайлов штаблари ташкил этилган.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ғоялари, дастурий мақсад ва вазифаларини аҳолига тушунтириш, ҳудудлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни, сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини кенг омма ва жамоатчилик орасида намойиш этиш ҳамда фуқароларнинг сиёсий маданиятини ошириш мақсадида партия шиорлари остида митинг ва бошқа тарғибот тадбирларини юқори савияда ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга йўналтирилган.

*Мазкур ҳисобот-конференцияларда партиямизнинг навбатдаги Қурултойига делегатлар сайланди.*

**К.ПОЛВОНОВА, М.АБДУЛЛАЕВА, М.БОБОНАЗАРОВА, Н.АБДУЛЛАЕВ,**
**Фарғона, Бухоро, Сирдарё, Наманган вилоятлари кенгашлари матбуот котиблари**

## ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

Тошкент давлат юридик университетида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастури лойиҳаси муҳокамасига бағишланган "Коррупцияга қарши курашиш — партия Сайловолди дастуридаги устувор йўналиш" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партиянинг экспертлар гуруҳи аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари ва фаоллар иштирок этишди.

# Коррупция — давлатга нисбатан ишончсизлик уйғотади



Учрашувда дастурнинг коррупцияга қарши курашга оид йўналиши кенг муҳокама этилиб, ушбу тизимдаги ислоҳотлар натижаси ҳақида таҳлилий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, соҳада аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган омиллар танқидий ўрганилди.

Таъкидланганидек, фуқаролар коррупцияга ислоҳотларни ҳаётга самарали татбиқ этишга тўсиқ бўлаётган энг асосий иллат сифатида қарайдилар. Афсуски, бугунги кунда ҳар қандай соҳада ушбу иллат хавфини учратиш мумкин. Бу эса коррупцияга қарши курашда тизимли чора-тадбирлар белгилаш лозимлигини кўрсатади.

Мутахассисларнинг фикрича, бу борада мавжуд камчиликларни аниқлаш, тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, камчиликларни янги қонунлар ишлаб чиқиш орқали бартараф этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб вазифалар сирасига киради.

Партия Сайловолди дастурида Ўзбекистонни ҳар соҳада ривожлантиришда коррупцияни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этиш лозимлиги қайд этилган. "Адолат" СДП бу бўйича фақатгина давлат идоралари ташаббуси билан бирор натижага эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ушбу жараёнга халқимизни ҳам жалб этиш ҳамда бу каби ҳолатлар ҳақида маълум қилган фуқароларни рағбатлантириш ва дахлсизлик ҳуқуқини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

Экспертлар ўз таклифларида коррупцияга қарши курашни, аввало, адолатни таъминлашга хизмат қилувчи ташкилотлар — ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва давлат бошқарув органларидан бошлаш кераклигини таъкидлашди. Зеро, мазкур идораларнинг ўзида бу иллатнинг учраши аҳолида давлатга нисбатан ишончсизлик, ислоҳотларга нисбатан норозилик кайфиятини шакллантириши ҳеч кимга сир эмас.

Шунингдек, фаоллар томонидан ушбу соҳада маълум бир ишлар амалга оширилаётганига қарамай "Коррупцияни қабул қилиш индекси"да мамлакатимиз рейтинги пастлигича қолаётгани қайд этилди. Шу боисдан коррупцияга қарши кураш билан биргаликда унинг натижаси ҳақида кенг жамоатчиликка ва халқаро ташкилотларга тўлиқ маълумот етказиб бериш ҳам муҳим ўрин тутади.

Сўзга чиққанлар томонидан таъкидланганидек, қатор олий таълим муассасаларида коррупция ва тамагирлик ҳолатлари ҳамон сақланиб қолмоқда. Кириш имтиҳонлари, айниқса, ижодий имтиҳонларда таниш-билишчилик, коррупция ва тамагирлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Иштирокчилар ушбу муаммоларни бартараф этиш, олий таълим муассасаларига киришни осонлаштириш, олий маълумотлилар сафини кенгайтириш мақсадида ОТМларга қабул квотасини бекор қилиш ҳақида сўз юритишди.

Мутахассислар партия Сайловолди дастури лойиҳасининг айрим бандларини жиддий равишда таҳрир қилиш, ихчамлаштириш лозимлигини алоҳида қайд этишди.

# Прокурор, судья, адвокат — қай бири етакчи ўрин тутмоқда?

## ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН ВАКОЛАТЛАР АДОЛАТЛИМИ?

Тошкент шаҳар прокуратурасида Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловолди дастури лойиҳасининг суд-ҳуқуқ соҳасига доир қисмида белгиланган вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. "Суд-ҳуқуқ тизими — партия Сайловолди дастуридаги устувор йўналиш" мавзусидаги ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Тошкент шаҳар прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида эътироф этилганидек, бугунги кунда халқимиз тўлақонли ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бири, шубҳасиз, суд жараёнларида адолат тамойилини таъминлаш масаласи бўлиб қолмоқда. Шу боис янги Сайловолди дастуримизда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Негаки, суд-тергов амалиёти ва қонун ҳужжатларининг таҳлили ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқот натижалари суд амалиётида қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи қатор ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларда судларга нисбатан ишонч ҳиссини уйғотиш, бунинг учун суд жараёнларида адолат тамойилларини тўлақонли таъминлашга эришиш устувор вазифалардан бири саналади. Чунки мамлакатимизда ўтган қисқа давр мобайнида яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш вазифаси муваффақиятли ҳал этилганига қарамасдан, юртдошларимизда ҳамон судларга нисбатан ишончсизлик ҳисси сақланиб қолмоқда.

Сайловолди дастуримиз лойиҳасида суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларга бағишланган бир қанча таклифлар киритилган. Жумладан, Тергов қўмитаси ташкил этиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Натижада прокуратура, ички ишлар ва Давлат хавфсизлик хизматидаги тергов бўлимлари тугатилади. Бу эса тергов ишлари адолатли ва қонуний ўтказилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари бузилмаслиги таъминланиб, жараёнга идоравий манфаатлар аралашувининг олдини олади.

Шунингдек, туман, шаҳар ва вилоят миқёсида фаолият юритаётган фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий судларни бирлаштириш, туманлараро фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судларни тугатиб, ҳар бир туман ва шаҳарда ушбу тоифа ишларни кўрадиган судьяларни ихтисослаштириш таклиф этилмоқда.

Адвокатура мавқеини ошириш, суд босқичида прокурор ва адвокат ваколати тенглигини таъминлаш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги барча маъмурий ишлар фақат суд томонидан кўрилишини таъминлаш партиямиз олдида турган долзарб вазифалар қаторидан ўрин олган.

— Суд мустақиллигини ҳамда суд жараёнида прокурор ва адвокат ваколатининг тенглик принципини таъминлаш борасида амалдаги қонунлардаги қарама-қарши ҳолатларни бартараф этиш лозим, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Яқубов. — Мисол учун, "Прокуратура тўғрисида"-ги қонунда прокурорнинг суддан кўрилган ишларни талаб қилиб олиш ва чақириб олиш ваколати белгиланган модда мавжуд. Ушбу модда, биринчидан, прокурорнинг судьядан устунлигини, иккинчидан, прокурор ва адвокат ваколатининг тенглик принципи таъминланмаганини кўрсатмоқда. Чунки суддан ишларни прокуратурага олиб келишни талаб қилганда, судья ишларни олиб бораяпти. Адвокат эса судга иш билан танишиш ҳақида ариза бериб, натижасини кутади, рухсат берилганда ҳам танишиш учун маълум вақт белгиланади. Прокурор эса вақт чегараланмагани сабабли, иш билан ойлаб танишиши мумкин.

Шунинг учун "Прокуратура тўғрисида"ги қонундан ушбу моддани чиқариш, прокурорнинг суддан ишларни чақириб олиб ўрганиш ваколатини бекор қилиш таклиф этилмоқда.

Партия экспертлари томонидан бу каби таклифлар эътиборга олиниши таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, прокурор ваколатини қисқартириш, прокуратурани чинакам "халқ прокуратураси"га айлантириш, мазкур идоранинг халқ олдида ҳисобдорлигини таъминлаш каби устувор вазифалар Сайловолди дастуримиз лойиҳасидан ўрин олган.

Тадбир давомида соҳа ходимлари томонидан мазкур ташаббусларни амалиётга жорий қилиш борасида бир қатор таклифлар билдирилди.

**Ўзбекистон "Адолат" СДП**
**Матбуот хизмати**

# Ҳукумат қарорларидаги айрим вазифалар НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

**САМАРҚАНД. “Адолат” СДП Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан Тойлоқ тумани марказий истироҳат боғида ўтказилган митинг партия ва электорат ўртасидаги бирдамлик, яқин ҳамкорликнинг яққол ифодасига айланди. “Адолат ҳамма учун, ҳар бир инсон учун!” шиори остида ташкил этилган тадбирда партия фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.**

Вилоят партия кенгаши раиси Муҳиба Бобобекова жамиятда ижтимоий тенглик ва адолатни қарор топтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, таълим ва тиббиётни янада чуқур ислоҳ этишда, оилалар учун муносиб турмуш шароитларини яратишда партия томонидан илгари сурилаётган мақсад, вазифаларнинг ҳаётий ва долзарб аҳамияти ҳақида сўз юритди.





Хусусан, олий таълим муассасаларида чинакам истеъдодларни жамлаш, фақат билим ва қобилиятни рағбатлантириш мақсадида мавжуд квоталарни бекор қилиш, соғлиқни сақлаш муассасаларида “ақлли тиббиёт” ғоясини изчил амалга ошириш, дори-дармонлар сифатини назорат қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Дори-дармонлар сифати ва бир хил нархда сотилишини назорат қилиш, тиббиёт муассасаларида коррупцияга имкон берувчи омилларни бартараф этиш долзарб аҳамиятга эга, — деди М.Бобобекова. — Шу мақсадда янги Сайловолди дастуримизда партия ўз олдига аниқ вазифаларни қўймоқда. Бироқ бу вазифалар мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда бажарилади. Демак, уларнинг масъуллигини, шахсий жавобгарлигини ошириш ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади.

— Туман тиббиёт бирлашмасининг қон қуйиш бўлимида ишлайман, — деди митингда сўзга чиққан шифокор Шоҳиста Турдибекова. — Партиянинг Сайловолди дастури, ундаги таклифлардан хабардорман. “Адолат” СДП ғоялари жамиятнинг қон томирларига тоза ҳаёт олиб кираётганлиги, одамларнинг меҳнат ва турмушга бўлган муносабатларини яхшилик сари ўзгартираётганлигини қайд этмоқчиман.

Партиянинг ёшларга кўрсатаётган эътибори, уларни баркамол инсон қилиб тарбиялаш борасидаги таклиф-ташаббуслари ҳақида иқтидорли спортчи, Турон яккакураши бўйича жаҳон кубоги ғолиби Лочинбек Камолов сўзлаб, бу саъй-ҳаракатлар ижобий натижа бераётганидан мамнун эканини билдирди.

— Партиянинг туман ва вилоят кенгашлари ташаббуси билан Тойлоқ олимпия захиралари мактабида белбоғли кураш бўйича “Адолат” кубоги мусобақалари ўтказилгани ўнлаб янги иқтидорларни аниқлашга ёрдам берди, — деди Л.Камолов.

Тадбирда ёш хайрихоҳларимиз “Адолат” партияси илгари сураётган таклифлар юртимиз ёшларининг орзу-мақсадлари рўёбга чиқишига хизмат қилажагини таъкидлаб ўтдилар.




**НАВОИЙ. Ўзининг долзарб мақсад ва ғоялари билан Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам жорий йилги сайловларда юқори марраларни эгаллашни кўзлаган.**

**Хатирчи туманининг Амир Темур номидаги истироҳат боғида Ўзбекистон “Адолат” СДП Навоий вилоят кенгаши томонидан “Сифатсиз ва қалбакилаштирилган дори воситаларига қаршимиз!” шиори остида митинг ўтказилди.**

Тадбирда вилоят партия кенгаши раиси Рустам Ҳайитов сўзга чиқиб, бу йилги сайловлар арафасида партия томонидан илгари сурилаётган энг муҳим вазифаларга тўхталди. Шунингдек, нотиқ аҳолига етказилаётган турли дори воситаларининг сифати аксарият ҳолларда кафолатланмаганлиги, айниқса, нархларнинг юқорилиги, тиббий хизмат сифатининг пастлиги каби ҳолатлар аҳолининг ҳақли норозиликларини келтириб чиқараётганлигига йиғилганларнинг эътиборини қаратди.

Таъкидланганидек, аҳолини қийнаётган муаммолар, авваламбор, партиянинг қуйи бўғинларида тизимли асосда ўрганилиб, таҳлил қилиниб, депутатларимиз ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессияларида муҳокама этилмоқда. Республика миқёсида ҳал қилинадиган масалалар эса партиянинг парламентдаги фракцияси орқали Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқилишига эришилмоқда.

Митингда айрим муаммолар ҳукумат эътиборидан четда қолаётганлиги танқид қилинди.

— Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган 185-сон қарорининг талаблари бажарилиши устидан назорат ўрнатилмаган, — деди Р.Ҳайитов. — Ушбу қарор 1-иловасининг 1-боб, 5-бандининг 2-хатбошиси (улгуржи савдо учун 15 фоизлик устама) ва 2-илованинг 3-боб, 10-бандида (чакана савдо учун 20 фоизлик устама) белгиланган шартлар бажарилмаяпти. Бу эса нархларнинг асоссиз оширилишига ҳамда аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Тегишли назорат органлари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан бу борада тизимли назорат ўрнатилмаганлиги ҳам шу каби салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Шунингдек, қарорнинг 2-иловаси 4-боби 24-моддасининг 3-хатбошисида белгиланган “Дори-дармон воситалари ёки тиббиёт буюмлари билан бирга сотиб олувчига идентификацион маълумотлар (номи, дозаси, қадоқлаш, миқдори) билан бирга дори-дармон воситалари ёки тиббиёт буюмларининг номи, уларни берувчи шахсга оид маълумотлар, бериш санаси ва нархи кўрсатилган товар чеки берилади”, деган талаб бажарилмаётганлиги ҳолатлари мавжуд.




Ноанъанавий тарзда ўтаётган партия митингларида юртдошларимизнинг “Адолат” СДП ғояларига хайрихоҳлиги тобора кучайиб бораётганлиги, тарафдорларимизнинг ортаётганлиги барчамизни бирдек руҳлантирмоқда.

**ХОРАЗМ. Қўшкўпир туманидаги “Маданият ва истироҳат боғи”да Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят кенгаши ташаббуси билан “Адолат — ҳар бир инсон учун!” шиори остида ўтказилган акцияда ҳам сафдошларимиз ва хайрихоҳлар, жамоатчилик вакиллари фаол иштирок этишди.**

Тадбирнинг биринчи қисмида митинг бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Тоҳир Палванов ҳудудда партия ташкилотлари томонидан олиб борилган ишлар аҳолининг манфаатларига хизмат қилиб, фуқароларнинг бизга ишончи ортаётганини таъкидлади.

— Биз давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил ҳар бир ҳудудда амал қилишига эришамиз, — деди Т.Палванов. — Фаолиятимизга назар ташлаб, бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз бир қатор ижобий натижалар берганини таъкидлаш мумкин. Аҳоли билан очиқ мулоқотларда ўртага ташланган муаммолар партия депутатлари ташаббуси билан масъул ташкилотлар томонидан ҳал этилмоқда. Назорат бор жойда масъулият ҳам кучаяди, албатта.

Тадбир давомида партия фаолиятига оид лавҳалар, ғоявий чиқишлар йиғилганларни бир мақсад йўлида бирлаштирганини яққол ифодалади.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, партиянинг ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш, навқирон авлод вакиллари келгусида жамият ҳаётида ўз ўрнини топишида партия яқиндан кўмакдош эканлиги ҳақидаги фикрлар акция иштирокчиларининг диққат марказида бўлди.

Шунингдек, “Ёш адолатчилар” қаноти ва “Аёллар қаноти” вакилларининг партияга доир викторина саволлари, туман болалар спорт мактаби ёш спортчилари ҳамда таниқли санъаткорларнинг чиқишлари иштирокчиларга манзур бўлди.

**БУХОРО. Вобкент туманида “Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш — давр талаби” мавзусида ташкил этилган митингда партия ходимлари, депутатлар, кенг жамоатчилик вакиллари, фахрийлар, ёшлар, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар иштирок этишди.**

Иштирокчиларнинг фикрича, бугунги кунда тиббиёт соҳасини ривожлантириш мақсадида кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Шунга қарамай тиббий ёрдам сифатини замон талаблари даражасида яхшилаш борасида муаммолар ҳам оз эмас. Айниқса, фуқаролар билан самарали ишлаш тизими яхши йўлга қўйилмаган, мутахассисларда амалий кўникмаларнинг йўқлиги, коррупциоген омиллар ҳамон сақланиб қолаётганлиги, шунингдек, олий маълумотга эга шифокорларда амалий кўникмаларнинг етишмаслиги аҳолининг эътирозларига сабаб бўлмоқда. Партия ходимлари ва депутатлар бугун партия томонидан тиббиёт соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида Сайловолди дастур лойиҳасида ишлаб чиқилган таклифлар тўғрисида фикрлар билдиришди. Хусусан, шифокорларнинг билим ва малакасини ошириш, уларнинг фаолиятида назарий билим билан амалиёт уйғунлигига эътибор қаратиш, патронаж ҳамширалари фаолиятини шакллантириш, соғлиқни сақлаш тизимида юқори даражадаги тиббий хизматни кафолатловчи қонунлар туркумини яратиш масалалари алоҳида аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

— Партия томонидан ташкил этилган митинг ҳар биримизнинг сиёсий жараёнларда фаол ва ташаббускор бўлишимизда ижобий таъсир қилади, — дейди “Пахтакор” маҳалласида яшовчи фуқаро Темир ота Ҳикматов. — Айниқса, бугун тиббиёт тизимида мавжуд муаммолар ҳақида фикрлашиб, бу борада уларнинг таклиф ва тавсиялари билан ўртоқлашдик. Айни вақтда партия томонидан тиббиётчилар учун қилинаётган янгиликлар ва ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларга эга бўлдик.

Митинг давомида тиббиётда коррупциянинг олдини олиш, соҳа ходимларининг фаолияти самарасини ошириш масалалари хусусида ҳам бир қатор таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Республикамизнинг шаҳар ва туманларида бу каби тадбирлар давом этмоқда.

**М.АБДУЛЛАЕВА, А.ЖАЙНАРОВ, З.АБДУЛЛАЕВА,**
**Бухоро, Навоий, Хоразм,**
**вилоятлари кенгаши матбуот котиблари,**
**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**“Adolat” мухбири**




## *“Партия патронажи”:* сафдошларимиз кўпаймоқда

“Партия патронажи” лойиҳаси доирасида ҳудудлар бўйлаб чақирувлар қабул қилиш давом этмоқда. Партиямизга хайрихоҳлик билдирган кексалар ва ногиронлиги бор шахслар ушбу қулайликни ҳис этган ҳолда туман кенгашларига қўнғироқ қилишмоқда. Таъкидлаш жоизки, “Партия патронажи” аҳоли ва партия ташкилоти ўртасидаги масофани қисқартиради, вақтни тежайди, фуқароларни “Адолат”га янада яқинлаштиради.

Бугунги кунга келиб, нафақат хонадонлар, балки ташкилотлардан тушувчи мурожаатлар сони ҳам ошиб бормоқда. Ҳудудларда партия фаолларининг ташрифи иш жойларида катта қизиқиш уйғотиб, турли корхона ва ташкилотлар ходимлари сафимизга кириш истагини билдирмоқда.

***

**Тошкент шаҳри.** Жумладан, “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси партия кенгаши фаоллари чақирув асосида Олмазор туманидаги Бандликка кўмаклашиш марказига боришди. Кенгаш раиси Нилуфар Одилова ушбу марказ ходимлари билан дастурий мақсад-вазифаларимиз хусусида суҳбатлашди. Шундан сўнг мазкур ташкилотнинг 18 нафар ходими партиямиз сафига қабул қилинди.

Бу борада Бектемир туман партия кенгаши ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, “Партия патронажи” навбатдаги чақирув бўйича Тошкент ирригация ва мелиорация институти ҳамда Тошкент шаҳар автомобиль йўллари бош бошқармасида бўлишди. Суҳбат чоғида Асия Абдалова ҳамда Охун Бердиев янги Сайловолди дастур лойиҳаси юзасидан фикр билдириб, унда кўзда тутилаётган мақсад ва режалар долзарблиги билан аҳамиятли эканини таъкидлашди. Улар ҳам сафимизга қўшилдилар.

***

**Тошкент вилояти.** Лойиҳа доирасида Қуйи Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмасининг 21 нафар ишчи-ходимлари Ўзбекистон “Адолат” СДПга аъзо бўлишди.

— Жойларда ташкил этилаётган очиқ мулоқотлар, партия фаолларининг ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда одамларнинг муаммоларини ўрганиб, уларни ҳал этишда ташаббус кўрсатишаётгани партияга ишончимни, меҳримни янада оширди — дейди “Мингчинор” ҚВП ҳамшираси Раъно Қулибоева. — “Партия патронажи” ёрдамида мен ва ҳамкасбларим партия сафига аъзо бўлдик.

***

**Хоразм.** Урганч давлат университети 2-сон академик лицейи жамоасининг чақирувига асосан «Партия патронажи» ушбу манзилга етиб борди ва бир гуруҳ ўқитувчилар партия аъзолигига қабул қилинди.

— Анчадан буён жамоадошларимиз билан биргаликда партияга аъзо бўлишни ният қилгандик. Лекин вақтимиз тиғизлиги сабаб партия ташкилоти идорасига боролмаётган эдик. Куни кеча “Авесто” маҳалласида партия фаолларининг қўлида “Партия патронажи” деб ёзилган сумкани кўриб, қизиқиб қолдим. Фаоллар лойиҳа ҳақида маълумот беришди. Хурсанд бўлганимдан “Партия патронажи”ни ишхонамизга таклиф қилдим, — дейди Урганч давлат университети академик лицейи ўқитувчиси Манзура Олимова. — Партиянинг Сайловолди дастури бизга маъқул тушди ва биз партия аъзоси бўлдик.

**Дурдона АЛИМОВА,**
**лойиҳа координатори**

# Тарих такрорланмаслиги аниқ!

2019 йилнинг 21 октябрь санаси мустақил Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди!

Чунки айнан шу куни пойтахтимиздаги Халқаро Конгресс марказида Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Ушбу тарихий тадбирда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев, шунингдек, сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, спорт ва санъат намояндалари, ижодкор зиёлилар, тилшунос олимлар, ёшлар, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган хорижий давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди. Тантанали тадбир Президентимизнинг нутқи билан бошланди.

Президентимиз ўзининг ОАВларда "Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли" сарлавҳаси остида эълон қилинган нутқида бундан ўттиз йил муқаддам "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилиниши жараёнига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди: "*...Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган ғоят оғир шароитда халқимизнинг тақдири ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.*

*Қонун лойиҳаси икки марта муҳокамага қўйилган эди. Унинг атрофида қандай қизғин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлайманки, кўпчилик юртдошларимиз жуда яхши эслашади. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевосита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.*

*Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи юртдошларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди*".

Давлат раҳбарининг маърузасини тўлқинланиб тинглаяпману хаёлимнинг бир учи оний лаҳзаларга ўша, суронли ва олатасир 1989 йилга кўчади.

Худди кечагидек ёдимда, ушбу қонун умумхалқ муҳокамасига қўйилган кунларда ўша даврнинг етакчи нашрларига айланган, салкам бир миллион ададда нашр этиладиган ва қўлма-қўл бўлиб ўқиладиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ва "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Ёшлар овози") газеталарида кетма-кет бир-биридан шижоатли ва жасоратли мақолалар чоп этилар, улар газетхонлар орасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлар, табиийки, бу жараёнда ўз она тилини ҳимоя қилиб, унга давлат тили мақомини беришни талаб қилиб мақола ёзган ижодкорларга, бундай ўтли мақолаларни нашр этган Бош муҳаррирларга ҳали у, ҳали бу идоралардан баъзан ошкор, баъзан яширин таҳдидлар ҳам бўлиб турарди. Лекин ўз тилини севган, ўз тилини улуғлаган ва ўз тили ҳимоясига отланган халқни ҳеч қандай таҳдид-у тазйиқ бу йўлдан қайтара олмайди. Бунга кечаги кунимиз гувоҳ, яққол далилдир.

Албатта, ҳар доим ва ҳамиша бўлгани каби ўша йилларда ҳам миллатдошларимиз орасида гоҳ икки тиллиликни ёқловчилар, гоҳ "ўзбек тили давлат тили бўлса, биз жаҳон ҳамжамиятидан узилиб қоламиз" қабилида "бировларнинг буюртмаси" билан аюҳаннос солувчилар ҳам бўлган...

Нима бўлганда ҳам халқ хоҳиши, ўша йилларда парламентда фаолият юритган миллатпарвар депутатлар, қолаверса, мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ғалаба қозонди. Ҳали тоталитар тузум ҳукмронлик қилиб турган бир даврда Ўзбекистонда "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинди ва ушбу қонунга асосан республикада ўзбек тили давлат тили сифатида эътироф этилди!

Ҳа, бу мустақиллик йўлидаги илк жиддий қадам эди!

Илк ғалаба эди!

Узоқ йиллар давомида истибдод занжирида яшаган миллатнинг уйғониши ва бирлашишидан далолат эди!

Шунинг учун ҳам 1989 йил 21 октябрь санаси янги ўзбек давлатчилиги тарихи саҳифаларида мангу қолажак!

Давлатимиз раҳбари "Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантиқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйдик. Мен бугун "Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекдим. Унга биноан "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами куни" деб белгиланди" деганида муҳташам сарой тадбир иштирокчиларининг қарсагидан ларзага келди. Бу қарсаклар иштирокчилар қалбида туғён ураётган ғурур, ифтихор, қувонч ва эртанги кунга ишонч туғёнлари эди десам, асло адашмайман...

Фарахбахш тадбирдан уйга қайтар эканман кўнглимдаги ғурур ва қувонч туйғулари орасидан ёқимсизгина хавотир ҳам бўйлаб-бўйлаб қўяётганини сездим. Сездим-у сесканиб кетдим.

Ахир бундан роппа-роса ўттиз йил муқаддам — "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган кунда ҳам худди бугунгидек ҳис-туйғуларга ошно бўлганимиз, ғурурланганимиз, бир-биримизни қутлаганимиз рост-ку. Нега қонунда белгиланган талабларни шу кунгача бажармадик? Нега ҳали-ҳамон айрим ташкилот-идоралардаги ўзаро ёзишмалар рус тилида олиб борилмоқда? Нега турли-туман ташкилот-у идора, ошхона-ю ресторан, дўкон-у корхоналарнинг катта-кичик раҳбарлари ўзлари бошқариб турган корхона пешлавҳасини ЎЗБЕКЧА ЁЗИБ ҚЎЙИШГА ҚИЙНАЛИШАДИ?! Нега турли даражадаги ҳоким-у мутасаддилар ўзлари раҳбар бўлган туман, шаҳар, вилоят кўчаларида турфа рангда "ЁНИБ" турган ажнабий номлар-у рекламаларни кўришмайди?!

Тан олиб айтишимиз керак, кейинги пайтларда бирон-бир муаммо ҳақида гап кетса, "Нега журналистлар шу пайтгача бу масалани кўтариб чиқишмаган?" деб иддао қилувчилар кўпайиб қолди. Аввалдан айтиб қўя қолай. Бу ўринда ҳамкасбларимни ҳимоя қилиш ниятим йўқ. Тўғри, узоқ йиллар давомида тилимизда тушов бор эди. Лекин давлат тили масаласини, унга тегишли муаммоларни кўтариб чиқишни ҳеч ким, ҳеч қачон тақиқламаган. Шу боис бўлса керак, бу муаммо оммавий ахборот воситаларининг барча турида, телевидиние, радио, газета-ю журналларда бирдек ёритилган, танқид қилинган. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, бирон-бир танқид "МЕВА" бермаган. Яъни на бир раҳбар, на бир мутасадди бу муаммога эътибор қаратмаган ёки шунчаки эътибор қаратишни истамаган...

Шу ўринда кичиккина бир мисол келтириб ўтай. Кейинги бир йил ичида шаҳар, туманлардан тортиб, чекка қишлоқлар номигача "Love you" қўшимчаси қўшиб ёзиш УРФга кирди. Ўзбекистонда УРФга кирган янги сўзни танқид қилмаган, ҳеч бўлмаса ЎЗБЕК ТИЛИда "Сени севаман, Ўзбекистон!" деб ёзиб қўя қолайлик, деган таклифни айтмаган ОАВ қолмади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, "Love you"лар ҳамон кўрган кишининг кўзини "қувнатиб, порлаб" турибди...

Балки Президентимизнинг ўтли нутқи, янги фармони турли даражадаги раҳбар-у раҳбарчаларни хушёр торттирар...

Дилимда бош кўтарган хавотир: давлат тилига муносабатда тарих такрорланмасмикан?

Кўнглимда уйғонган ишонч: Йўқ! У энди ҳеч қачон такрорланмайди!

**Ислом ҲАМРОЕВ**

Мукаррама МУРОДОВА

# Она тилим



*Онаси бетоблангач,*
*Уни илк бор ўйлаган,*
*Жон фидо қилишга шай турган фарзанд мисоли —*
*Ёниб, она тилини авж пардада куйлаган —*
*Шоирлардек, мен сени алқамагандим ҳали...*
*Ёниб ёза олмаган армоним, она тилим!*
*Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!*

*Таърифга сиғмас дедим, чунки сен — ҳаёт тузи,*
*Халқ жигари асрлаб поклаган тоза қонсан.*
*Куйлаш эмас кўринди, чунки сен — менинг ўзим,*
*Сен — ўтмишим, ҳаётим, истиқболим, имонсан.*
*Қалбим ҳосилин йиққан хирмоним, она тилим!*
*Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!*

*Шонли йўлинг шарҳламоқ ортиқчадир, ёқсалар,*
*Самандарлар мисоли боқий ғолиб қолгансан.*
*Бўғмоқчи бўлиб келган тиллар шохин қайириб,*
*Гавҳарларин қўйнингга аста солиб олгансан.*
*Тош остида етилган маржоним, она тилим!*
*Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!*

*Дунёда тиллар кўпдир, ҳаммаси ҳам сержаранг,*
*Ёлғизим, сен улардан устун демасман зинҳор.*
*Балки шундан, кўнглимга шубҳа сола — бошлар жанг:*
*Оламда лотин тили янглиғ ўлган тиллар бор!*
*Бўлай оби ҳаётинг, дармонинг, она тилим!*
*Жон олиб жон беришдан дархоним — она тилим!*

*Не қуйма тафаккурлар, не олим, закий зотлар*
*Излаб топа олмади чашми ибтидоингни.*
*Ишонгум: ҳеч қандайин ЭҲМу роботлар*
*Тополмагай лимиту сарҳад, интиҳоингни.*
*Собит ишонч, беписанд карвоним, она тилим!*
*Мангулик йўлларида сарбоним— она тилим!*

*Ёрга севгисин ҳатто ажнабий тилда айтган*
*Валадлардан Навоий, Бобур чеккан изтироб.*
*Кун келиб чин Қомусим зарҳал ила битилгай,*
*Она тилда ёзилгай Қарор, ҳужжат деган боб.*
*Қонунда қўриқланган қўрғоним, она тилим!*
*Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!*

*Ғурур билан, баралла мадҳ айласам ҳаққим бор.*
*Бурчлимиз қадринг байроқ айлашга шеъримизда.*
*Ўттиз милён ўзбекка тақдирсан, рағбат, афкор,*
*Сен қувват манбаисан бахтимиз, шўримизда.*
*Шеърият минбаридан Фармоним — она тилим!*
*Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!*

1989 йил

# Тил сиёсати янада такомиллаштирилади

Давоми.
Бошланиши 1-бетда

Ушбу тантанали маросимда Президентимиз нутқ сўзлаб, ўзбек тили дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири эканлигини, кимда-ким ўзбек тилининг латофати, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг алларини, минг йиллик достонларимизни эшитсин, дегани бежиз эмас. Шу маънода, халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятларимизни авлоддан-авлодга соф ҳолда етказиб, асраб-авайлаб келаётган тилимизни ҳар қанча улуғласак арзийди.

Фахр билан таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда. Кўплаб чет эл вакиллари ҳам ўзбек тилининг жозибасини ҳис этган ҳолда шу тилда сўзлашга, мулоқот қилишга ҳаракат қилаётгани ҳам алоҳида эътирофга сазовордир.

Албатта, давлат мустақиллигининг асосларидан бири ҳисобланган давлат тилининг мавқеини янада ошириш мақсадида фармон билан бир қатор вазифалар белгиланди. Давлат тилини ривожлантириш департаменти ва Атамалар комиссиясини ташкил этиш, "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири ҳамда 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастурини ишлаб чиқиш каби ўзбек тилининг тараққиётига хизмат қилувчи ташкилий ва ҳуқуқий чоралар шулар жумласидандир.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, биз ўзлигимизни сақлаб қолиш учун, энг аввало, тилимизга гард юқтирмасдан авлоддан-авлодга ўтишини таъминлашимиз зарур. Шунингдек, унинг замон билан ҳамнафас тарзда ривожланиши ва бойитилишига хизмат қилишимиз ҳам устувор вазифаларимиздан биридир.



# Шоир билан учрашув

Илдизи узоқ тарихга эга она тилимизга давлат тили мақоми берилган кун юртимизда кенг нишонланди. Байрам келажагимиз эгалари бўлмиш болажонларни ҳам четда қолдирмади.

Болаларнинг ўзидек қувноқ ва беғубор шеърлари билан ёш дўстларининг қалбидан жой олган Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг мактабимизга ташрифи ўқувчиларимиз учун байрам устига байрам бўлди. Болалар фақат ойнаи жаҳон ва китоблардаги суратлардагина кўрган севимли шоири Анвар бобони ҳаяжон билан кутиб олдилар.

Бобомиз ўқувчиларга китобнинг инсон ҳаётидаги ўрни, кўп ўқиган болалар нималарга қодир бўлишини қизиқарли воқеалар билан гапириб берди. Ўз навбатида ўқувчилар она тилимизга бағишлаб ёд олган шеърлари, тайёрлаган ажойиб қўшиқлари ва турли чиқишлари билан тадбир иштирокчиларини хушнуд қилишди.

Анвар Обиджон мактабдаги ёш ижодкорлар фаолияти билан қизиқди. Ижодкор болажонлар ўз шеърларини шоирнинг ўзига ўқиб беришди ва у кишининг қимматли маслаҳатларидан баҳраманд бўлдилар, ҳатто, "Мен сиздек ёшимда бундай шеър ёзолмаганман", деган "аъло" баҳоларини олиш бахтига ҳам муяссар бўлдилар.

Олам-олам таассуротлар билан шоир бобожонни кузатган болалар қалбидаги она тилимизга меҳр, китобга эътибор, Ватанга садоқат каби туйғулар илдизига шоир ўгитлари орқали қувват берилганига ишончимиз комил.

**Шоирахон МАРАҲИМОВА,**
**Сергели туманидаги 268-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

Маълумки, ҳар бир халқнинг ўзига хос нуфузини унинг икки қаноти – тарихи ва тили белгилайди. Шу маънода айтганда, тил инсон зийнати, ҳар бир миллатнинг кўзгуси, обрў-эътибори ва шарафидир. Айниқса, тарихи минглаб йилларга тенг бўлган ўзбек тилимиз ўзининг беқиёс жозибаси, латофати ва бойлиги билан дунёда бетакрордир.

# Миллатнинг ойнаи ҳаёти



**Усмонали СУЛТОНОВ,**
*Поп тумани Санг қишлоғи*

Менинг касбим ўқитувчи, айни пайтда нафақадаман. Илгари мактабда "Ўзбек тили ва адабиёти" фанидан дарс берганман. Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу ҳафта аввалида, 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини тинглаганимда ҳамда ўша куни имзоланган **"Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги фармонини ўқиганимда бошқалардан кўра кўпроқ севиндим. Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимизда айни санага пухта ҳозирлик кўрилгани ва юқоридаги фармоннинг қабул қилиниши чиндан ҳам она тилимизнинг ҳамда бу йилги байрамнинг нуфузини тоғлар қадар юксалтирди. Айниқса, 21 октябрь санаси юртимизда **"Ўзбек тили байрами куни"** дея белгиланган ҳар биримизнинг қалбимизда фахру ифтихор туйғуларини уйғотди.

Агар тарих солномаларини варақласак, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девони луғотит турк" асари ёки ҳазрат Алишер Навоий туркий тилда 26 мингдан ортиқ сўз қўллаб, шеърият мулкининг султонига айлангани ҳам тилимизнинг нечоғлик теран илдизга эга эканлигини англатади. Буни Абдураҳмон Жомий ҳам ўзининг "Баҳористон" асарида **"...туркий тилда ҳеч ким Навоийдек кўп ва хўп шеър айтмаган ҳамда назм гавҳарларини сочмаган эди"** дея эътироф этади. Ёхуд дунёнинг мана-ман деган давлатларида буюк мутафаккиримизнинг бой маънавий мероси чуқур ўрганилиши ҳамда у кишига ҳайкал қўйиб, ҳурмат бажо келтирилиши ҳам халқимизга, унинг тилига бўлган юксак эҳтиром белгиси эмасми? Ёки минглаб хорижлик олим ва мутахассисларнинг ўзбек тилини ўрганишга бўлган иштиёқини айтмайсизми?

Шу ўринда кичик бир мисол келтираман. Бундан ўн йилча илгари япониялик олим (айни пайтда Чибу университети профессори) Сейка Вазаки бизнинг қишлоғимизга — Поп туманининг Санг қишлоғига келиб, миллий урф-одат ва анъаналаримиз, қадриятларимиз бўйича тадқиқот олиб борди. Ундан аввал эса Сейка ўзбек тилини мукаммал ўрганибди. Ҳамқишлоқларимиз уни тўю тантаналарга, ҳайиту байрамларга, турли маросимларга таклиф қилишди. Кўпчилик у билан дўстлашди. Тарих фани ўқитувчилари унга Ватанимизнинг бой ўтмиши, қадимий анъаналари ҳақида сўзлаб беришди ва этнографик маълумотларни тақдим этишди. Яқинда Сейка Вазакининг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун муносабати билан халқимизга ўзбек тилида йўллаган видеотабриги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг веб сайтида эълон қилинди.

Эътироф этиш керак, ўтган ўттиз йил мобайнида она тилимиз равнақи йўлида бир мунча ижобий ишлар амалга оширилди. Хусусан, Президентимиз таъкидлаганидек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди. Айни пайтда минглаб ёшларимиз мазкур университетда она тилимизнинг сир-асрорларини ўрганиш баробарида унинг жаҳон миқёсидаги нуфузини юксалтириш мақсадида изланишлар олиб боришмоқда. Миллий адабиётимизнинг нодир дурдоналарини турли хорижий тилларига таржима қилиб, юртимиз довруғини, тилимиз латофатини дунёга таратиш уларнинг эзгу мақсади.

Аммо айрим юртдошларимиз ёки корхона, ташкилот, муассасалар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳали-ҳануз тилимизга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, унинг қоидаларини бузиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Буни Юртбошимиз ҳам ўз маърузасида **"Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу – бу жой номларини белгилаш масаласи, десак хато бўлмайди. Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топономик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради"** дея алоҳида таъкидлади.

Чиндан ҳам айрим кўчаларда юрсангиз, бинолар пештоқидаги номлар, реклама ва эълонларни кўриб, гўёки ўзингизни хорижда юргандек ҳис қиласиз. Бошқача айтганда, "OPEN", "Supermarket", "Bear Hous", "Alkomarket", "EVOS", "Business centre", "Family shop", "Салон красоти", "Мы открылись" деган ёзувлар фақат меҳмонлар учун ёзилгандек. Ҳатто ёзув жараёнида лотин ва крилл алифбоси ҳарфларини аралаштириб юборадиган "саводхон"лар ҳам йўқ эмас орамизда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фармонига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил этилгани ҳам барчани бирдек қувонтирди. Энди давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, хусусан, тил қоидаларининг бузилиш ҳолатлари, давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга оид ишлар мазкур департамент томонидан назорат қилинади, "Ўзбек тили байрами куни"ни нишонлаш чора-тадбирлари мувофиқлаштирилади. Янги ташкил этиладиган Атамалар комиссияси эса тилга олингани каби муаммоларга чек қўяди. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, *ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим.*

# Эл-юрт осойишталиги йўлида хизмат қилиш – олий мақсадимиз

Давоми. Бошланиши 1-бетда

**— Бундан уч йил муқаддам муҳтарам Президентимиз ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қилувчи ижтимоий тузилмага айлантириш вазифасини қўйган эди. Давлатимиз раҳбари ички ишлар органларининг ҳар бир ходими тимсолида халқимиз ўз ҳимоячисини кўриши лозимлигини таъкидлаганди. Соҳа вакиллари томонидан ана шу вазифа қандай бажарилаяпти?**

— Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев доим икки масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар: **биринчиси**, Ватанимиз равнақи ва тараққиётининг энг муҳим омили бўлган юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, **иккинчиси,** аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, жисмонан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш.

Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Биз — ички ишлар органлари ходимлари зиммасига юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юкланган.

Шу нуқтаи назардан, тизимни ислоҳ қилиш ва замон талаблари асосида такомиллаштириш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Агар эътибор берсак, муҳтарам Президентимиз томонидан имзоланган илк ҳуқуқий ҳужжат айнан 2016 йил 16 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг **"Ички ишлар органлари тўғрисида"**-ги қонуни бўлди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ички ишлар органларида туб ислоҳотлар амалга оширилиб, мутлақо янги тизим шаклланди. Ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қиладиган профессионал, халқчил тузилмага айлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилди.

Бугунги кунда авж олаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, халқаро терроризм ва экстремизм, коррупция, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, ахборот хуружи ва ёшлар онгига ёт ғояларнинг кенг кириб бораётганлиги, буларга қарши курашиш, уларга барҳам бериш бўйича ички ишлар органлари олдига янги вазифалар қўйилди.

Хусусан, мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати юритилмоқда, замонавий корхоналар барпо этилмоқда, солиқ тизими тубдан ислоҳ қилиниб, тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш, барча соҳа ва тармоқларда инновация, илм-фан ютуқлари, янгича ва ижодий ёндашувларни жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. **"Обод қишлоқ"** ва **"Обод маҳалла"** дастурлари мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларига ҳам янгиланиш нафасини, бунёдкорлик руҳини олиб кирмоқда.

Жамиятимизда **"Қонун ва адолат – устувор"**, **"Жиноятга жазо муқаррар"** деган муҳим принципларни таъминлаш, ички ишлар органларини том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Тизим олдига қўйилган бундай вазифаларни бажариш ички ишлар органлари фаолиятини тубдан такомиллаштиришни тақозо этди.

Шу боис ҳам асосий эътибор қуйи бўғинни кучайтиришга қаратилиб, бевосита маҳаллаларда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга таъсир кўрсата оладиган ихчам ва мобил тизим шакллантирилди. Ички ишлар органларини халққа янада яқинлаштириш мақсадида олисда жойлашган аҳоли пунктларида **824 та** таянч пунктлари ташкил этилди. Профилактика инспекторларининг сони **1552 нафарга** кўпайди. Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича **30 та** бошқарма ва уларнинг **161 та** ички ишлар бўлимлари ташкил этилди.

Ички ишлар органлари тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, **"Хавфсиз шаҳар"**, **"Хавфсиз пойтахт"**, **"Хавфсиз ҳудуд"**, **"Хавфсиз туризмни таъминлаш"**, **"Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш"**, **"Хавфсиз хонадон"** концепциялари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятларга ташрифи давомида ҳудудларнинг ўзига хос тажрибалари сифатида Андижон вилоятида "Намунали ҳудуд", Бухоро вилоятида "Хотин-қизлар билан ишлаш", Фарғона вилоятида "Ёшлар билан ишлаш", Бўка туманида "Президентнинг бешта ташаббуси", Жиззах вилоятида "Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати", Сирдарё вилоятида "Жиноятдан холи маҳалла" концепциялари яратилди.

Албатта, бизнинг энг асосий мақсадимиз аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашдан иборат. Ички ишлар органларининг бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликдаги фаолияти натижасида жами **9116 та** маҳалладан **4518 тасида** умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Бироқ бу ижобий кўрсаткичлар билан кифояланиб, хотиржамликка берилишга ҳаққимиз йўқ. Шу боис ҳам сўнгги вақтларда асосий эътибор қуйи бўғинни кучайтиришга қаратилмоқда. Бевосита маҳаллаларда криминоген вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга таъсир кўрсата оладиган тизим шаклланди.

Айтиб ўтиш кераки, Президентимиз ташаббуси билан "Маҳалла посбони" тузилмаси раҳбари лавозими ўрнига профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси лавозими жорий этилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича уларнинг шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилди. Бу борада мазкур тузилмага ана шу талабга тўлиқ жавоб бера оладиган муносиб кадрларни танлаш белгиланган. Жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари оиладаги муҳитга ҳам боғлиқ эканлиги боис, оилалар билан ишлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни **"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни"** этиб белгиланиб, аҳоли ўртасида кенг қамровли ҳуқуқий-маърифий тарғибот тадбирлари олиб борилмоқда. Бундай тадбир ва учрашувларда ҳар бир жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари, унга олиб келган шарт-шароитлар таҳлил қилиниб, маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчилик иштирокида зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан, ички ишлар органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратининг янги тизими ўрнатилганлиги, жойларда биринчи раҳбарлардан бошлаб профилактика инспекторларигача бўлган бўғиндаги масъуллар халқ олдида ҳисобот бериш амалиёти жорий қилиниши аҳолининг давлат идораларига бўлган ишончи янада ортишига замин яратмоқда.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари янгича дунёқараш, янгича тафаккур билан иш услубларини ўзгартириб, билимли, салоҳиятли ва фидойи бўлишлари лозим. Бундай мақсадларга эришиш учун ҳар бир ходим доимий равишда ўз устида ишлаб, зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажариши, ўзини Ватан тақдирига дахлдор деб билиб, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш йўлида бор билим ва тажрибасини сафарбар этиши зарур.

Ходимларнинг фуқаролар билан муомала маданиятини ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратилиб, "Ички ишлар органларининг ташқи соҳавий хизматлари фаолиятида ахлоқ ва мулоқот маданияти кодекси" тасдиқланган. Ушбу Кодексда ходимнинг фуқаролар билан мулоқот маданиятининг мезонлари, асосий қоидалар, мажбурият ва ваколатлар белгиланди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар, аввало, ички ишлар органлари ходимларини халқимизга янада яқинлаштириш, фуқароларнинг соҳа ходимларига нисбатан ишонч ортишига эришиш имконини беради. Албатта, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ходим, аввало, ўзининг билими, маънавияти ва дунёқараши кенглиги билан ажралиб туриши керак.

**— Давлатимиз раҳбари ички ишлар органлари олдига жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, уларнинг барвақт олдини олиш вазифасини қўйган эди. Ана шу вазифани бажариш йўлида нималар қилинаяпти ва қандай натижаларга эришилаяпти?**

— Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида 2018 йил якуни бўйича ҳар бир минтақада содир этилган жиноятлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни жиловлаш бўйича "Йўл хариталари" ишлаб чиқилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни **"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни"** тадбирлари доирасида ўтказилаётган профилактик ишлар ҳам ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга хизмат қилмоқда.

Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда профилактика инспекторлари муҳим ўрин тутади. Профилактика инспекторлари томонидан аҳоли муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни бартараф этиш мақсадида **9,5 миллион**дан ортиқ хонадон ўрганиб чиқилди. Уйма-уй юриб ўрганишлар натижасида **22 минг**дан зиёд оиланинг нотинчлигига барҳам берилди, **9 минг**дан ортиқ ёш оила ажрашиб кетишидан сақлаб қолинди.

Шунингдек, содир этилган ҳар бир жиноят сектор раҳбарлари иштирокида маҳаллаларда аҳоли ўртасида кенг муҳокама қилиниб, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича зарурий чора-тадбирлар белгилаб борилмоқда.

Муҳокамалар натижаси бўйича ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича мутасадди идораларга **18 минг**дан ортиқ тақдимнома киритилди. Фуқароларда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини шакллантириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида **252 минг**дан ортиқ маротаба аҳоли ўртасида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида жорий йилнинг 9 ойида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **26,0 фоиз**га *(34243 тадан 25344 тага)* камайишига эришилди.

**— Юртдошларимиз шаҳар кўчаларида ички ишлар органлари ходимлари билан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари биргаликда хизмат ўтаётганига ўрганиб қолишди. Бундай ўзаро ҳамкорлик қандай самара бераяпти?**

— Тарихдан бизга маълумки, жамиятда адолат ҳукм суриб, тинчлик ва осойишталик қарор топса, албатта, мамлакат янада равнақ топади, унинг нуфузи янада ортади. Бир сўз билан айтганда, муҳтарам Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг "*Халқимиз эртага ёки келажакда эмас, балки бугун яхши ва муносиб ҳаёт кечиришни хоҳлайди*" деган сўзлари барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий пойдеворини ташкил этади.

Бу борада ўтган даврда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўлида муҳтарам Президентимиз ташаббуслари билан жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилди. Бунда алоҳида эътибор ҳодиса ва ижтимоий хавфли қилмишлар оқибатига эмас, балки уларнинг асл келиб чиқиш омилларини аниқлаб, барвақт олдини олиш ишларига қаратилди.

Энг муҳими, жиноятлар динамикаси, яъни вақти бўйича асосий — *70 фоиз қисми* **кечки** ва **тунги** вақтларда қайд этилаётганлигига ўз вақтида эътиборни қаратиб, жамоат тартибини таъминлаш кучлари имкониятидан оқилона фойдаланишга йўналтирилган самарали тизимни белгилаб берди.

Жумладан, мамлакатимиз Президентининг 2018 йил 19 июндаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини бажариш мақсадида пойтахтимизда жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали ва янгича тизими ҳаётга татбиқ этилди. Унга кўра, **2018 йилнинг 1 июль кунидан** Тошкент шаҳрида «***Хавфсиз пойтахт***» концепцияси амалиётга жорий этилди.

Ушбу концепция доирасида жиноятларнинг оқибатларига эмас, балки уларнинг сабаблари ва асосий омилларига қарши курашиш, яъни уларнинг барвақт профилактикаси ўзининг ижобий самарасини берди. Шу боис, *2018 йилнинг 27 июлида* бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан босқичма-босқич республикамизнинг барча ҳудудларида Тошкент шаҳри тажрибаси бўйича *«Хавфсиз пойтахт»* концепциясининг амалиётга жорий этилиши ҳақида берган топшириғи асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудидаги жами **14 та** йирик (*Чирчиқ, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Фарғона ва Қўқон, Андижон, Наманган, Термиз, Қарши, Урганч ва Нукус каби*) шаҳарларда *«Хавфсиз шаҳар»* концепциясини амалиётга тўлақонли жорий этиш бўйича Ички ишлар вазири ва вилоят ҳокимларининг қўшма қарорлари қабул қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар ҳудудида мазкур концепция жорий этилиши белгиланган шаҳарларнинг маъмурий ҳудудлари тегишли жавобгарлик квадратларига тақсимланган ҳамда уларда **ички ишлар органлари ходимлари ва Миллий гвардия саф бўлинмалари ҳарбий хизматчилари**, шунингдек, жамоатчилик вакилларининг **уч босқичли**, аралаш тартибдаги патруллик хизматлари йўлга қўйилган.

Ҳозирда концепция асосида республикамизда ташкил этилган **1974 та** (*шундан, 945 та пиёда, 957 та авто, 22 та мото ва 23 та отлиқ*) патруллик йўналишларида жами **7504 нафар** (*айнан 4600 нафар ички ишлар органлари, 1063 нафар Миллий гвардия, 938 нафар жамоатчилик вакиллари ва 789 нафар «Фидокор ёшлар» жамоатчи патруллик гуруҳларининг*) жамоат тартибини таъминлаш кучлари **кечаю кундуз** патруллик хизматларини олиб бормоқда.

**Ўтган даврда** жамоат тартибини таъминлаш кучлари томонидан **550** нафар қидирувдаги шахслар ушланган ва жами **3017** та оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар фош этилган. Патруллик йўналишларида жами **417650** та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган ва тегишли чоралар кўрилиши ташкиллаштирилган. Натижада тезкор ва тезкор-профилактик йўналишда барча зарурий чора-тадбирлар ўз вақтида сифатли ҳамда тўлақонли амалга оширилгани туфайли хизмат самарадорлиги янада ошган. Шу сабабли ҳисобот даврида концепция жорий этилган ўтган уч ойда жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар — 33,5 фоизга, айниқса, жамоат жойларида содир этилган жиноятлар — 34,0 фоизга ва кўчаларда содир этилган жиноятлар *эса* 30,2 фоизга сезиларли даражада **камайган.**

**— Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда инсон омилини камайтириш мақсадида видеокамералардан, замонавий светофорлардан ва бошқа техник воситалардан фойдаланилаяпти. Ушбу жараён Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда ҳам амалга оширилаяптими?**

— Республикамиз ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, қоидабузарликлар сонини камайтириш Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади. Бу вазифаларни тўлақонли амалга ошириш эса соҳани доимий тарзда такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг касбий ва хизмат тайёргарлигини ҳозирги кун талабларига мос равишда юксалтириш, йўл ҳаракати иштирокчилари маданиятини ошириш, қонун-қоидаларга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш сингари кўплаб ишларни амалга оширишни талаб этади.

Бугун ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кириб келаётган янгиликлар, ўзгаришлар, ахборот-коммуникация технологиялари Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ҳам муайян ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунни бемалол туб ўзгаришлар даври, деб атасак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги **«Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорида ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишнинг, назоратнинг юқори самарадорлигини таъминловчи йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тарзда тартибга солиш, видеокузатув ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этиш тизимларини, бошқа техник воситаларни, аввало, вилоят марказларида янада кенгайтириш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Маълумки, 2017 йилнинг 15 мартидан Тошкент шаҳрида жорий этилган "Йўл ҳаракатини бошқаришнинг компьютерлаштирилган тизими" томонидан қайд этилган қоидабузарликлар учун жаримага тортиш механизми ишга туширилди. Ҳозирги кунда ушбу тизим пойтахтимизнинг транспорт воситалари оқими кўп бўлган 115 та чорраҳани қамраб олган бўлиб, қоидабузарликларни автоматик тарзда қайд этмоқда. Мазкур тизим ишга туширилган кунидан то жорий йилнинг 1 октябрига қадар 779071 та қоидабузарлик қайд этилган. Тизимнинг жорий этилиши шубҳасиз пойтахт кўчаларида қоидабузарликларнинг ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари сонининг камайишига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди. Жумладан, Тошкент шаҳрида 2019 йилнинг ўтган 9 ойида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари сони 2018 йилнинг шу даврга нисбатан 13,8 фоизга, унда ҳалок бўлганлар сони 27,4 фоизга, тан жароҳати олганлар сони 13,8 фоизга камайишига эришилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида Тошкент шаҳрида жорий этилган компьютерлаштирилган тизимни кенгайтириш, шунингдек, бу каби тизимларни Нукус шаҳри ва вилоят марказларида жорий қилиш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-компьютер тизимини яратиш вазифаси қўйилган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Нукус, Наманган, Андижон, Навоий ва Бухоро шаҳарларида автоматлаштирилган тизимлар жорий этилиб, яна бир қатор вилоят марказларида ҳам бу каби тизимларни жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, "Хавфсиз шаҳар" лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида жорий этилган компьютерлаштирилган тизимга кирувчи чорраҳалар сонини 400 тага кўпайтириш бўйича ҳам ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги **"Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида инвестициявий лойиҳани амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига асосан Германиянинг «ATLAS International» компаниялар гуруҳи томонидан Андижон, Наманган, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини фото-видео фиксация қилишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш бўйича давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Масаланинг яна бир томонига тўхталадиган бўлсак, автоматлашган тизимлар томонидан аниқланаётган қоидабузарликлар салмоғи кун сайин ортиб бормоқда. Мисол учун, 2018 йилнинг 9 ойи давомида автоматлаштирилган тизимлар томонидан 599431 та қоидабузарлик қайд этилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу рақамлар 893995 тани ташкил этади.

**— Бутун мамлакатимиз бўйлаб коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Сиз раҳбарлик қилаётган тизимда ушбу иллатнинг илдизига болта уриш, ходимларнинг маънавиятини юксалтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам гапириб берсангиз.**

— Ҳеч кимга сир эмас, агар жамиятда қонун устуворлиги таъминланмаса, одамларда нафақат бугунги, балки эртанги кунига ҳам ишонч йўқолади. Қаерда шахсий манфаат ҳар нарсадан устун қўйилса, ўша жойда коррупция илдиз отиб, охир-оқибат давлат таназзулга юз тутади.

Бундай жамиятни ҳар қандай онгли одам тарк этиш чораларини қидиради, ҳеч бир хориж инвестори ўз мулкини, сармоясини бундай мамлакатга киритишни хоҳламайди. Давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда, инвестор сармоя киритишдан олдин давлат идоралари вакилларидан эмас, балки тадбиркорлардан мамлакатда яратилган шарт-шароит ва муҳит тўғрисида сўрайди.

Шунинг учун ҳам давлат органлари ходимларининг виждонлилиги, ҳалоллиги катта аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакатдаги коррупция даражаси давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътиборини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бугун коррупция балоси ҳаммани бирдек ташвишга солаётган жиддий муаммолардан бирига айланган. Шунинг учун дунёдаги барча давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ушбу иллатнинг ҳар қандай кўринишига қарши муросасиз курашга киришган.

Давлатимиз раҳбарининг кўплаб маъруза ва чиқишларида порахўрлик, таъмагирлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши кераклиги тўғрисида алоҳида тўхталиб, **"Жамиятимизда коррупцияга қарши курашиш, унга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар эканлигини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур",** деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда шахснинг мансаби ва мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги таъминланмоқда, жиноий қилмишлар содир этган мансабдор шахсларга ҳам қонуний чоралар кўрилмоқда.

Жорий йилнинг 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилиниб, 2019–2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш Давлат дастури тасдиқланди ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди.

Мазкур дастур доирасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга оид муҳим амалий чора-тадбирлар, устувор йўналишлар белгилаб берилди. Шунингдек, мазкур фармон билан идоравий коррупцияга қарши курашиш, соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаб ва шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси этиб белгиланди.

Бугунги кунда юқорида қайд этиб ўтилган қонун ҳужжатлари ҳамда давлат дастурларидан келиб чиқиб, ички ишлар органларида ҳам коррупцияга қарши кескин ва муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўзида айнан коррупцияга қарши курашиш йўналишига оид вазирликнинг муҳим ҳужжатлари қабул қилинди.

Ходимлар ўртасида коррупцияга нисбатан тоқатсизлик ва муросасизлик иммунитетини шакллантириш мақсадида олиб борилаётган профилактик тадбирларнинг таъсирчанлиги оширилмоқда. Бош прокуратура билан ҳамкорликда ходимларни ўқитиш бўйича тренинг курслари ўтказилмоқда. Шу билан бирга, жорий йилнинг декабрь ойи "Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашиш ойлиги" деб эълон қилинди ва мазкур ойлик доирасида бир қатор ташкилий, амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Барчага яхши маълумки, коррупцияга барҳам бериш ва унинг олдини олиш масаласида шунчаки профилактик тадбирлар, учрашувлар ўтказиш ёки жазолаш билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Бу муаммодан холи бўлиш, албатта, тизимли ёндашувни талаб этади. Шунинг учун ҳам муҳтарам Президентимиз томонидан ходимларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

Шунингдек, уларга хизмат уй-жойлари, имтиёзли кредитлар асосида автомашиналар ва узоқ муддатга мўлжалланган кредитлар, фарзандларига таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар ва шу каби бошқа кўплаб имтиёзлар берилмоқда. Ички ишлар органларида махсус жамғармалар ташкил этилиб, устама ҳақ тўлаш орқали ходимларнинг меҳнатлари қўшимча равишда рағбатлантирилиб келинмоқда. Амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар, албатта, бугун ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

**— Президентимиз ўтган йили ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича ишларнинг қониқарли эмаслигини танқид қилган эдилар. Ушбу танқиддан қандай хулоса чиқарилди?**

— Бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни кенгайиб, оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси каби масалаларни ўрганиш, хотин-қизлар билан боғлиқ турли салбий оқибатларнинг олдини олиш ишларига эътибор тобора кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволда қолган, шу жумладан, оилавий муаммоларга, турмушида зўрлик ишлатилишига дуч келган аёлларни аниқлаш, улар билан якка тартибдаги профилактик тадбирларни ўтказиш ва шу орқали соғлом турмуш тарзига қайтариш энг долзарб масалага айланди.

Жорий йилнинг 29-30 март кунлари Давлатимиз раҳбари Бухоро вилоятига қилган ташрифи давомида вилоятни хотин-қизлар билан ишлаш бўйича барча масалаларда намунали ҳудудга айлантириш вазифасини белгилаб берганди. Шундан сўнг вилоятда истиқомат қилаётган барча хотин-қизларнинг турмуш шароити ўрганиб чиқилиб, моддий, маънавий, тиббий, ижтимоий-ҳуқуқий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар аниқланди, уларга тизимли ёрдам кўрсатиш ишлари бошланди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлақонли таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги қарорига асосан республика, вилоят ва туман (шаҳар) ички ишлар органлари тизимида хотин-қизлар билан ишлаш масалалари бўйича **360** та инспектор штати жорий этилди. Улар зиммасига Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, маҳалла фаоллари, маҳаллалардаги хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар, шунингдек, бошқа ҳамкор ташкилот ва идоралар билан биргаликда аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қийин аҳволга тушиб қолган ҳар бир хотин-қизга ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш вазифалари юклатилди.

Айни вақтда бутун республика ҳудудида фаолияти йўлга қўйилган ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда уйма-уй юриб, аҳолининг ташвиш ва муаммоларини ўрганиш асосида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ўз қобилияти ва имкониятларини рўёбга чиқаришга амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳамкорликдаги тадбирлар давомида **4615** нафар хотин-қизга ишга жойлашишида кўмаклашилди, **4420** нафарига моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди, **1457** нафари даволашга муҳтожлиги аниқланиб, тиббий диспансерларга юборилди, **405** нафари мажбурий даволашга жойлаштирилди, **1457** нафарига шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини қайта тиклашда амалий ёрдам кўрсатилди, **2723** нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда кўмаклашилди, **1046** нафари таълим муассасаларига қайтарилди.

Шунингдек, 208 нафари "Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари"га юборилиши таъминланди.

Ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича хотин-қизлар томонидан содир этилган умумий жиноятлар **33,8** фоизга *(4361 тадан 2886 тага)*, жиноятда иштирок этган хотин-қизлар сони **33,3** фоизга *(4882 нафардан 3254 нафарга)* камайишига эришилди.

Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги энг катта орзусидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, ички ишлар органларида мазкур йўналишда қабул қилинаётган профилактик тусдаги дастурларда ана шу улуғвор мақсадни амалга оширишга доир чора-тадбирлар аниқ қилиб белгиланиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Хусусан, ички ишлар органлари томонидан ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида мутасадди ташкилот ва идоралар, айниқса, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда мақсадли тадбирлар белгиланди. Амалга оширилган профилактик тадбирлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **37,9** фоизга *(9925 тадан 6163 тага)*, жиноятда иштирок этган ёшлар сони **23,4** фоизга *(12079 нафардан 9248 нафарга)* камайишига эришилди.

**— Ўз хизмат бурчини мардона ва қатъият билан бажариш чоғида ярадор бўлган, жароҳат олган ички ишлар органлари ходимлари ҳам бугун эътиборимизда бўлиши керак. Шундай эмасми, Пўлат Раззақович?**

— Ички ишлар органлари ходимлари учун катта аҳамиятга эга бўлган касб байрами арафасида жиноятчилар билан тенгсиз олишувларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, адолат тантана қилиши ва бошқаларнинг осойишта яшаши учун энг қимматли нарса — ҳаётини қурбон қилган ўртоқларимиз ҳақида ҳам чуқур миннатдорлик сўзларини айтишимиз керак, албатта. Уларнинг хотираси қалбларимизда умрбод сақланади.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Фурсатдан фойдаланиб, Сизни, барча ички ишлар органлари ходимларини касб байрами билан қизғин табриклаймиз. Тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш жабҳасидаги сермашаққат хизматларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.**

**Суҳбатдош: Мурод ТИЛЛАЕВ**

"ADOLAT" ШАРҲИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг суд-ҳуқуқ соҳасини янада ривожлантириш борасида олиб бораётган ташаббусларини тўла қўллаб-қувватлайман. Янги Сайловолди дастури лойиҳасида ҳам бу борада аниқ ташаббуслар илгари сурилган.

# Ислоҳотлар халққа хизмат қилади



**Олимжон МЕЙЛИЕВ,**
**Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди раиси**

Судья сифатида, қолаверса, кўп йиллик тажрибаларим асосида ҳаётий хулосам шундан иборатки, жамиятда ҳар бир янгиликни ҳаётга татбиқ этиш учун, энг аввало, одамлар онги, билими, дунёқараши ўша янгиланишга тайёр бўлиши керак. Бу билан демоқчиманки, ҳаётда кўпгина қонунлар қабул қилиниши мумкин. Аммо ўша қабул қилинаётган қонунларда белгиланган нормаларга фуқаролар итоат этиши керак. Бунинг учун эса аҳолининг билими, сиёсий дунёқараши шаклланган бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида эътироф этилганидек, жамиятда аҳолининг сиёсий, тиббий, иқтисодий маданиятини янада ошириш борарида ҳуқуқий билим ва маданиятини ривожлантириш ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга.

Жамиятда адолат тамойилларининг барқарорлиги, ижтимоий адолат мезонларига тўлиқ риоя этилиши, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхон бўлиши учун "Адолат" социал-демократик партияси тинимсиз иш олиб бормоқда.

Албатта, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва дунёқарашини шакллантирмасдан туриб бу мақсадга эришиб бўлмайди.

Менга партиянинг "Бизнинг олий мақсадимиз — ҳуқуқий давлат қуриш", "Адолат ҳамма ерда ва барча учун" шиорлари маъқул бўлди. Шунингдек, Сайловолди дастурда жуда тўғри таъкидланганидек, "Судлар тўғрисида"ги қонунни такомиллаштириш вақти келди. Негаки, мамлакатимиз тараққий этиб, ривожланган давлатлар сафидан ўрин олишга интилаётган экан, юртимизда фаолият олиб бораётган фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича маҳаллий судларни оптималлаштириб, умумий юрисдикция судлари ташкил этиш зарур ва уларни "Халқ судлари" деб аташ ҳамда назорат ҳуқуқини беришни адолатли деб ҳисоблайман.

Янги Сайловолди дастуримизни амалга оширишнинг бош қуроли — энг аввало, бу ҳаётий зарур, аниқ, лўнда ва пухта қонунлар ишлаб чиқиш, шу билан бирга, илгари қабул қилинган қонунларга давр талаблари асосида муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳамда улар ижросини мунтазам қатъий назорат қилиб боришдир.

Шунингдек, "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида адолатлилик ғоясининг устувор бўлишига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш партиянинг асосий мақсади эканлиги қайд этилган.

Шу ўринда кенг жамоатчиликка яна бир муҳим гапни айтиб ўтмоқчиман. "Адолат" СДП мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ташаббуси билан сиёсий майдонга чиққан ягона партиядир. Шунинг учун ҳам сиёсий куч томонидан бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан "Прокуратура тўғрисида" ва "Судлар тўғрисида" ги қонунларга бир неча муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Албатта, амалга оширилаётган муҳим ўзгаришларга қарамай, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, бу тизимни такомиллаштириб боришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Жумладан, адвокатларнинг ролини мустаҳкамлаш ва уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, ҳуқуқ-тартибот идоралари масъулларининг жамоатчилик олдида ҳисобот бериб боришини таъминлаш, бу ишга ОАВларни кенг жалб этиш ўта муҳимдир.

Мен судья сифатида энг кўп дуч келаётган ҳолат шуки, фуқароларнинг кўпчилиги терговдан норози бўлади. Тергов жараёни айни пайтда прокуратура, ИИВ, ДХХ ва Миллий гвардия томонидан амалга оширилаяпти. Терговни қонуний назорат қилиб бориш эса Бош прокуратурага юкланган. Аммо ҳақ сўзни айтиш керакки, Бош прокуратуранинг бу борадаги назорат функцияси пасайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатда ягона Тергов қўмитасини ташкил этиш фурсати етди.

Бугун ҳуқуқ-тартибот идораларида, хусусан, ички ишлар тизимида фаолият олиб бораётган ходимлар сони кўпу аммо улар томонидан амалга оширилаётган ишлар халқимизни қаноатлантирмаяпти. Жойларда ҳуқуқбузарликлар, оилавий келишмовчиликлар билан боғлиқ жиддий ҳолатлар мунтазам содир этилаяпти. Биз шуларни ҳисобга олиб, ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳамда сонини камайтириш, умуман, ушбу тузилма номини "Халқ полицияси", деб ўзгартиришни маъқул ҳисоблаймиз.

Коррупция — тараққиёт кушандаси. Коррупцияга қарши курашиш ва қонунчиликни шунга мувофиқлаштириш партиянинг асосий мақсадларидан бири саналади. Ёшлар орасида бу иллатга қарши маданиятни шакллантирамиз. Бундан кейинги фаолиятимизда ҳам давлат органлари хизмати самарадорлигини ошириб, давлат хизматчиларининг ишини тартибга солиш учун "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонун қабул қилинишига эришамиз.

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасидан яхши маълумки, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилмасдан, судларнинг ваколатлари ва мустақиллигини таъминламасдан, ҳар бир судьянинг халқ олдидаги ҳисобдорлигига эришмасдан туриб, тараққиётни таъминлаб бўлмайди. Бугунги шиддаткор даврнинг ўзи шуни тақозо этмоқда. Партиянинг Сайловолди дастурида судьяларнинг халқ ишончини тўла оқлаб, "Халқ судлари" мақомига эришишлари учун курашиш алоҳида белгилаб қўйилгани бежиз эмас.






**Қирғизистон президентининг матбуот хизмати хабарига кўра, мамлакат президенти Сооранбай Жээнбеков Японияга ташриф буюрди.**

У Toshiba "Energy Systems and Solutions" заводида бўлиб, компания раҳбари билан мулоқот чоғида республикада Япония корпорацияси билан ҳамкорликда гидроэнергетика лойиҳаларини амалга ошириш масаласини муҳокама қилди. Шунингдек, "Toshiba" корпорацияси президенти Сатоши Цунакавага Қирғизистон ҳудудида ГЭС қуришни таклиф этди.

Сатоши Цунакава Қирғизистон президентига гидроэлектростанциялар, иссиқлик ва атом электростанциялари учун ишлаб чиқарилаётган хом ашё ҳақида маълумот берган.

Япон компанияси раҳбари Қирғизистоннинг энергия ресурсларига бой мамлакат эканлигини қайд этиб, бу ерда 80 фоиз энергия гидроэлектростанцияларда ишлаб чиқарилишидан бохабарлигини таъкидлаган.

Цунакава компаниянинг Қирғизистонда тўрт йўналиш бўйича фаолият олиб боришини режалаштиргани ва улардан бири айнан гидроэнергетика соҳасига алоқадорлигини айтиб ўтган.

***



**«ТАСС» хабарига кўра, Бразилия президенти Жаир Болсонарунинг учинчи ўғли, ҳозирда мамлакат парламентида халқаро масалалар ва миллий мудофаа қўмитаси раҳбари Эдуарду Болсонару АҚШда элчи бўлиб ишлаш учун ўз номзодини қўйишдан бош тортган.**

«Бу ҳақда кўп ўйладим, кўпчилик билан маслаҳатлашдим. Сайловчиларим ҳақида ҳам ўйлашим керак экан. Тан оламан, уларнинг аксарияти бу фикрни қўллаб-қувватламади. Бироқ Бразилияда мени АҚШдаги элчиликдан ҳам муҳимроқ ишлар кутаяпти», деди Эдуарду.

Июль ойида давлат раҳбари 35 яшар ўғлини мамлакатнинг АҚШдаги элчиси этиб тайинламоқчи эканлигини маълум қилганди. Бу ташаббусни АҚШ президенти Дональд Трамп қўллаб-қувватлаган ва буни қариндош-уруғчилик ҳисобламаслигини билдирганди.

***



**«Интерфакс» хабарига кўра, Озарбайжон президенти Илҳом Алиев ўз администрацияси раҳбари Рамиз Мехтиевни лавозимидан озод қилди.**

Мехтиев президент администрациясини 1994 йилдан буён бошқариб келаётганди.

Давлат раҳбари Мехтиевни Озарбайжон Хавфсизлик кенгаши аъзолигига қабул қилган ва мамлакат олдидаги хизматлари учун «Гейдар Алиев» ордени билан мукофотлаган.

Чоршанба куни Рамиз Мехтиев Озарбайжон фанлар академияси президенти лавозимига тайинланди. Унинг номзодини ўз хоҳишига кўра лавозимидан кетган академиянинг собиқ раҳбари Акиф Ализода таклиф қилган.

***



**Афғонистоннинг 1TV телеканали хабарига кўра, ташқи ишлар вазири Салоҳуддин Раббоний мамлакат президенти Муҳаммад Ашраф Ғанига ўзини истеъфога чиқаришини сўраб мурожаат йўллаган.**

"Менинг бошқарувимдаги вазирлик давлат миқёсидаги муҳим ишлардан четда қолаётган нодавлат ташкилотига айланиб қолди", дейилади мурожаатда.

***



**Беларусь президенти Александр Лукашенко Қозоғистонга расмий ташрифи арафасида мамлакатнинг «Хабар» давлат телеканалига интервью берди. Унда, жумладан, Беларусь раҳбари шундай дейди:**

«Евросиё иқтисодий иттифоқига (ЕОИИ) аъзо давлатлар интеграциялашув доирасида ўзлари қачонлардир бир қисми бўлган СССР тажрибасидан фойдаланиши керак. Бир мамлакатда яшадик. Бизда катта тажриба бор, айнан шу пойдевордир. Бизда умумий қарашлар кўп. Биз бу йўлни Европа иттифоқига қараганда тезроқ босиб ўта оламиз. ЕОИИ мамлакатлари Евроиттифоқнинг хатоларини ўрганиши ва уларни такрорламасликка ҳаракат қилиши керак. Бошқаларнинг хатоларидан сабоқ олишимиз керак. Тезроқ ҳаракатлана оламиз, сабаби кўпроқ тажрибага эгамиз, биз совет иттифоқида яшаганмиз. Унда эса жуда яқин интеграциялашув мавжуд эди. Уни йўқ қилишнинг кераги йўқ. Вайрон бўлган нарсаларни қайта тиклашимиз керак. Бунинг устида ишлашимиз лозим».

***



**Токиодаги автосалонда келажак электромобили прототипи — "LF-30 Electrified"ни "Lexus" автомобилсозлик компанияси тақдим қилди.**

Машина кузови антиқа дизайни билан ажралиб туради. Унинг томи тўлиқ ойнаванд, эшиклари антиқа равишда очилади.

Салонда индивидуал мониторларга эга 4 та ўриндиқ, ҳайдовчи экрани автомобилнинг турли функцияларини бошқариш учун имо-ишорани таниш функцияси билан жиҳозланган.

Модел 544 от кучига эга электр қурилма ва ғилдиракларга ўрнатилган двигателлар билан жиҳозланган. Lexus Advanced Posture Control тизими ҳар бир ғилдиракка тортиш кучи берилишини назорат қилади. Автомобиль бир қувватланишда 500 км йўл боса олади. Шунингдек, машина симсиз қувватлагич тизимига эга.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

# Ваъда ваъдалигича қолмайдими?

ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ХАЛҚ СЎРОВИ

Халқ вакилларининг беш йиллик фаолияти таҳлил қилинганда, улар томонидан сезиларли ишлар амалга оширилаётгани, сайловчиларнинг ишончи янада ортгани кўзга ташланяпти.

Жумладан, партиямиздан сайланган андижонлик маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловчиларнинг мурожаатлари асосида ҳудудлардаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Бироқ ҳамма жойда ҳам ишлар кўнгилдагидек, деб айтиш қийин. Айрим мансабдор шахсларнинг амалдаги қонунчиликка зид равишда депутатлар томонидан кўтарилган муаммоларга панжа орасидан қараш ҳоллари учрамоқда. Бу ўз-ўзидан қонунбузилиш ва муаммонинг янада катталашишига олиб келяпти.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қилайлик. Избоскан туманида партиямиздан сайланган уч нафар депутат ҳокимият вакиллик органларида фаолият кўрсатмоқда. Улар партиямизнинг дастурий вазифалари ижросини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларни жамоатчиликка етказишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Бироқ уларнинг ҳам муаммолари бор.

Халқ депутатлари Избоскан тумани Кенгаши депутати Донохон Ибрагимова сайлов округи ҳудудидаги ҳар бир муаммони ўз муаммоси, деб билади. Уни қийнаётган 2 та масала бор. **"Бирлашган" МФЙдаги "Замон" кўчасида яшовчилар ичимлик суви муаммоси бўйича 2018 йилда унга мурожаат қилган эди.** Депутат бу масалада масъул ташкилотларга чиқди. Қарангки, орадан бир йил ўтиб, яъни жорий йил бошида "Замон" кўчасига сув қувурлари етказилди.

**Д.Ибрагимова сайловчилар ишончини оқлагандай бўлди. Аммо тўлиқ эмас. Чунки бошланган иш ҳамон якунига етмаяпти. Фуқаролар қувурларга қачон сув келишини кутиб яшамоқда.**

"Зарбдор" МФЙнинг "Қўшчинор" кўчасидаги хонадонларда яшовчи аҳолининг йўлларни асфальтлаш масаласида қилган арзи ҳам ҳавога учмоқда. Депутат сўровига жавоб битта: дастурга киритилди. Бироқ қачон? Бу саволга туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбарлари аниқлик киритиши лозим.

Тумандаги *53-мактабгача таълим муассасасида 90 нафар кичкинтой тарбияланмоқда. МТМ биносининг таъмирталаблиги ота-оналарда эътироз уйғотмоқда.* Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Зуҳра Комилова томонидан қилинган депутатлик сўрови ҳам натижа бермаяпти. **Туман мактабгача таълим бўлими раҳбари Назирахон Қобулова бу масалада телефон орқали берган саволимизга 2021 йилда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан янгидан қурилади, дея қисқагина жавоб берди.** Бунисига ҳам кўндик. Бироқ ваъда ваъдалигича қолмаса бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, депутат сўрови бажарилиши шарт. Чунки унинг ортида халқнинг муаммоси, зарурати мавжуд.

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**

"ADOLAT" ШАРҲИ

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, ишлаб чиқарилган товарларнинг рақобатбардошлилиги, ишлар ва хизматларнинг сифат даражасининг ўсишида ва аҳолининг бандлигини оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрни юқори ҳисобланади. Шу жиҳатдан хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниш кўлами ошиши мамлакатнинг кейинги ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

# Хорижий инвесторларнинг

## ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланган

Юртимизда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани туфайли иқтисодиётимизга киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми изчил ва барқарор ўсиб бормоқда. Инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида янгидан-янги объектлар ишга туширилмоқда, ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг мамлакатимизда эркин фаолият юритиши учун зарур кафолатлар, қулай ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар кўлами тобора кенгаймоқда. Шу жиҳатдан хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниш кўлами ошиши мамлакатнинг кейинги ривожланишида асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Албатта, давлатнинг иқтисодий мустақилликка эришишидаги энг муҳим омиллардан бири бу ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларига кенг миқдорда инвестиция жалб қилиш ва уларга қулай имкониятлар яратиб беришдир.

Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо соҳаларига кенг миқдорда инвестиция жалб қилиш ва уларга қулай имкониятлар яратиб бериш, энг аввало, давлатнинг иқтисодий мустақилликка эришишидаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Инвестиция ресурсларини ўз вақтида миллий иқтисодиётларига жалб қилиш имконияти бўлмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича дунё мамлакатлари даражасидан орқада қолиб кетишига олиб келади. Мазкур ҳолатнинг ечими, молиявий маблағлар ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига жалб қилиш ҳисобланади.



Мамлакатимизда инвестиция фаолияти давлат томонидан тартибга солинади ва рағбатлантирилиб борилади. Ушбу тартибга солиниш ва рағбатлар инвесторларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин ҳаракат қилишлари ва самарали натижаларга эришишнинг муҳим шартидир.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўз контрагенти билан келиб чиқадиган низоларни келишиш орқали суд тартибида ҳал қилишлари мумкин. Бундай келишиш шартнома тузиш, шартномага изоҳни белгилаш, шунингдек, шартномадан ташқари низони ҳал қилиш учун келишув битими тузиш орқали амалга оширилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига кўра, чет эл инвестициялари билан бевосита ёки билвосита боғлиқ низо (инвестицияга оид низо), тарафлар келишувига кўра, улар ўртасидаги маслаҳатлашувлар орқали ҳал этилиши мумкин. Агар тарафлар келишилган ҳал қилувга эриша олмасалар, бундай низо Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий суди томонидан ёхуд ҳакамлик воситасида инвестицияга оид низоларни ҳал этишга доир Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларнинг (битимлар ва конвенцияларнинг) қоидалари ва тартиботига мувофиқ ҳал этилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган.

Хорижий инвесторлар ўзининг тадбиркорлик субъекти сифатида иқтисодий судларга даъво аризаси киритиши айнан тадбиркорлик муносабатларидан келиб чиқади.

Иқтисодий судга, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади.

Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида жиноий, маъмурий ноқонуний хатти-ҳаракатларда Ўзбекистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича судлари орқали ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари мумкин. Инвестор ўзининг фуқаролик ҳолатлари юзасидан келиб чиқадиган низоларда ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини Фуқаролик ишлари бўйича фаолият юритувчи судлар орқали мустақил тарзда ҳимоя қилишлари мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасига жалб қилинган хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ўзларининг ҳуқуқ ва манфаатларини Ўзбекистон Республикасида мустақил тарзда ҳимоя қила оладилар. Хорижий инвесторлар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини давлат судлари ва ҳакамлик судлари орқали ҳимоя қилишлари мумкин. Хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар маъмурий, фуқаролик, иқтисодий ва жиноий ишлар юзасидан судларга шикоят қилиш имконияти мавжудлигини уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

**Олим ХАЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси,**
**Шавкат ГАЙБЕРДИЕВ,**
**катта консультант**

## МУЛОҲАЗА

Эътибор берганмисиз, тўрт-беш одам йиғилган жойда кўп муҳокама қилинадиган масалалардан бири, шубҳасиз, тўй-маъракалар ҳамда уларнинг етти маҳаллага дув-дув гап таратган тафсилотлари бўлади. Дабдаба, ҳашамат, ортиқча "ҳою ҳавас" ва янги ўйлаб топилган "одат"лар — тез тилга тушади. Ана шундай зўрама-зўракилик, ўзининг бойлигини кўз-кўз қилишга уринишлар, "кимўзар"га қилинган харажатлардан сўнг муқаррар содир бўладиган кўнгилсизликлар, уруш-жанжаллар, ажримлар ва қарзга ботишлар — тамомила янги муаммоларни келтириб чиқаради. Маълумотларга қарасак, халқимиз орасида қон босими ошиши натижасида юрак-қон-томир касалликларидан ўлим ҳолатлари кўпайган. Бу ҳам ана шундай ортиқча сарф-харажатлар, исрофгарчиликлар оқибати. Бу — менинг фикрим эмас, йил сайин кўпайиб, ҳаётда ўз исботини топаётган ҳақиқат. Афсус, яхшигина урф-одатларимиз, анъана ва қадриятларимизга мана шундай дабдабаю асъасалар ортидан путур етмоқда.

# "Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй..."

БИРИНЧИ МАҚОЛА

### "Бизни кемиргувчи иллатлар"

Қаранг, тўй-маърака, оилавий маросимлардаги ортиқча дабдабабозлик мавзуси юз йил — бир аср муқаддам ҳам халқимизнинг жиддий муаммоси ўлароқ кун тартибида бўлган. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий ушбу мавзуда мақола ҳам ёзган ва фикрларининг қаймоғини хулоса тариқасида сарлавҳага чиқарган: "Бизни кемиргувчи иллатлар". Беҳбудий ана шундай иллатлардан энг йирик иккитасини — тўй ва азани санаб ўтган ва уларни "икки қаттол душман" деб атаган. ХХ аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий 1915 йил март ойида "Садойи Туркистон" газетасида босилган "Тўй" деб номланган шеърида ана шундай иллатларни қоралайди.



*Қилди бу вақт бизда жавлон тўй,*
*Оқчаси йўқни этди ҳайрон тўй.*
*Бир-биридан ошурдилар тўйни,*
*Топди равнақ, ҳайратила боён тўй.*
*Беш кун тўйни сўнгидин*
*Кетибон мулклар боис фиғон тўй.*
*Боён тўйига ерлилар қараб*
*Этди сарф токи тандаги жон тўй.*
*Эй ғанийларимиз, эй фақирларимиз,*
*Амр этубдурми бизга Қуръон тўй.*
*Мундайин ишлар шаръимизда йўқ*
*Кори мажъус, кори шайтон тўй.*
*Ишламас шундай аҳллик киши,*
*Йўламас асло аҳли виждон тўй.*
*Ўтса тўй бирла ёзу қишимиз,*
*Айлагай бизни ерга яксон тўй...*

Дарҳақиқат, орадан шунча вақт ўтса-да, маърифатпарвар боболаримизни ташвишлантирган муаммо — шакл жиҳатдан ҳам, мазмун жиҳатдан ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Ҳозирги кунда тўй-ҳашам, маъракалар "кимўзар"га ўтказилиши, уларда ноз-неъматларни ҳаддан зиёд исрофгарчиликка йўл қўйилиши муқаддас ислом динимизда ҳам қаттиқ қораланган. Тўғри, тўй — тинчлик, фаровонлик рамзи. Яхши ният билан элга дастурхон ёзиб, икки ёшнинг никоҳ базмини ёру дўстлар даврасида нишонлашга нима етсин?! Лекин тўйни дабдабага, пулнинг кучини кўрсатадиган маросимга айлантиришдан қандай наф бор? Бунга қасд қилган киши «зўр» одамга эмас, аксинча, оёғи ердан узилган ношукр кимсага ўхшаб қолаётганига ақли етармикан?!

Тўй-ҳашам ва маъракалардаги ортиқча дабдабабозлик оёғимизга тушган тушов бўлиб бормоқда. "Тушов"нинг янги ва янги, хилма-хил турлари кашф этилмоқда. Ҳашаматли тўй-маъракалар кўп қаватли уйлару пастқам ҳовлилардан, шаҳарлардан чиқиб, қишлоқларга оралади. Энди уйи ёки ҳовлисида, топса — стол-стул, топмаса — гилам, кўрпача тўшаб тўй ўтказаётган одамни учратмайсиз, ҳисоб. Тонгдан шомгача ресторанлардан одам аримайди. Гўё ҳамма бекор. 600-700 кишилик залга танга ташласангиз ерга тушмайди. Бундай саройларда тўй-ҳашам, маърака ўтказувчиларнинг эса охири йўқ.

### Илдизи чуқур муаммо

Тўй-ҳашамларни кибр-ҳаво, шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, исрофгарчилик, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, атрофда яшаётган одамларнинг аҳвол-руҳиятини инобатга олмаслик каби иллатлардан холи, камтарона ўтказиш лозимлиги неча бор таъкидланди. Ўтмишдан ва ўтаётган кунларимиздан мисоллар келтирдик. Мажлисларда, одамлар билан расмий ва норасмий мулоқотларда бу борадаги тарғибот-тушунтириш ишларининг савияси ва таъсирчанлигини ошириш даркорлигини уқтиришдан чарчамадик. Ҳокимлар, маҳаллалар фаолларини, кексаларни, ижодкор зиёлиларни бу борада мудом фаолроқ бўлишга чақирдик. Бироқ фақат тарғиботу ташвиқот, амри маъруф, даъват билан мақсадга эришиш душворлиги энди аён. Негаки, муаммо жўндек кўрингани билан, илдизи чуқур, сумбати баланд.

Ким қандай тўй қилишини яхши биламиз. Авом пулини ҳуда-беҳуда сарфлай олмайди. Қўли калталик қилади. Аммо айрим мансабдорларимиз... босар-тусарини билмай қолишади. Лекин биров уларнинг мушугини пишт демайди. Нега? Бу жамиятдаги адолатсизлик, аҳолининг табақаланиши, тенгсизликка бориб тақалади. Амалдорлар юз, икки юз минглаб доллар сарфлаб, энг қимматбаҳо нарсаларни харид қилишади. Қолганлар улардан ибрат олади. Қарзга ботади... Мусобақа давом этаверади...

### Манманлик, риёкорликдан ҳазар

Ваҳоланки, динимизда ҳар қандай ишда ўрта ҳоллик, мўътадиллик ва меъёр ҳамиша маъқулланиб келинган. Ҳаддан ошишлик, исрофгарчилик, манманлик ва риёкорлик каби иллатлар эса ҳам ақлан, ҳам шаръан қораланиб, улардан сақланишга буюрилган. Қуръони каримда: *"Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўймангӣ Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди"* — дейилади (Исро сураси, 26-27 оятлар).

Демак, силаи раҳм, хайр-эҳсон ва турли садақаларни беришда ҳам меъёрдан ташқари харажат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш Аллоҳ таоло томонидан ман этилган. Ҳадиси шарифларда ҳам исрофгарчиликдан қайтарилиб, тежамкорликка тарғиб ва ташвиқ этилади. Жумладан, *"Аллоҳнинг ноз-неъматларидан хоҳлаганча еб-ичинглар, хайр-эҳсон қилинглар, кийиниб ясанинглар, лекин исрофгарчилик ва манманликка йўл қўймангларӣ"* (Имом Аҳмад, Насаий, Ибн Можа ривоятлари).

"Аҳли сунна вал жамоа" ақидамиз бўйича инсон ўзининг намоз, рўза, ҳаж, хайру садақа, Қуръон тиловати ва шу каби савобли амалларини маййитлар руҳига бағишласа, албатта, савоби етади. Шунга кўра, марҳумларга савобини бағишлаш мақсадида хоҳлаган вақтда ўзининг иқтисодий имкониятига қараб, одамларга эҳсон дастурхони ёзиш жоиз. Савоби яна ҳам улуғ бўлиши ҳамда келган меҳмонлар руҳий ва маънавий озуқа олишлари учун бундай эҳсонларни енгил ва ихчам тарзда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, эҳсонни фақат зиёфат кўринишида эмас, балки ўша зиёфатга кетадиган маблағни муҳтож оилаларга, меҳрибонлик ва қариялар уйларига, ободонлаштириш ишларига, талабаларга илм-маърифат тарқатиш йўлларига сарф қилинса, нур устига аъло нур бўлур эди.

**Ташпўлат МАТИБАЕВ,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, социология фанлари доктори, профессор**

## ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Бугун мамлакатимизда қайсики соҳада ислоҳот ўтказилаётган бўлса, барчасида халқимизга енгиллик ва қулайлик яратиш мақсади кўзланмоқда. Аммо...

# Суғурта компаниялари қачонгача ҳайдовчилар ҳисобидан кун кўради?

Яхши биласиз, автотранспорт воситасини бошқариш учун камида учта асосий ҳужжат: автотранспорт воситасининг техник паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси ва суғурта полиси талаб этилади. Маълумки, мамлакатимизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш икки шаклда — чекланган ва чекланмаган суғурта полиси тарзида амалга оширилади.

Чекланган тарзда фойдаланиш суғурта полиси фақат унда аниқ кўрсатиб ўтилган шахсларга ишончнома орқали ёки автотранспорт эгасининг иштирокида автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини беради. Чекланмаган тарзда фойдаланиш суғурта полиси эса ишончномага эга ёки автотранспорт эгасининг иштирокида исталган шахсга бошқариш ҳуқуқини беради.



***Фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида мулоқотга киришган аксарият ҳайдовчилар томонидан суғурта компанияларига ишончсизлик, суғурта полисларини йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторларига (ДАН ходимлари) ҳужжатни тақдим этиш учунгина мажбурий олаётгани таъкидлаб ўтилди.***

Ўтказилган таҳлиллар ва аҳоли билан бўлган суҳбатлар мазкур амалиёт моҳиятан нотўғри йўлга қўйилганини кўрсатмоқда. Бошқача айтганда, автотранспорт воситаларининг ҳайдовчиларига нисбатан бир қадар шафқатсиз ва адолатсиз амалиёт, деса тўғри бўлади.

Дейлик, автотранспорт воситасини чеккароқ ҳудудда бошқариш пайтида ҳайдовчининг соғлиғи ёмонлашиб қолди ва уни зудлик билан яқин орадаги тиббиёт муассасасига олиб бориш зарурати туғилди. Амалдаги тартиб бўйича ҳайдовчининг ёнида ўтирган фуқаронинг ўзи билан ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлса ҳам ушбу автотранспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи йўқ ҳисобланади. Ваҳоланки, бу ҳолатда мулк эгаси розилик бериб турибди, унинг профессионал қобилиятга эга эканини тасдиқловчи ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам бор, бунинг устига, кечиктириб бўлмас ҳолат. Бироқ...

Рақамларга мурожаат қилсак. Биринчидан, статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда бугунги кунда суғурта полисларининг аксарият қисми, деярли 90 фоизи жисмоний шахсларга тўғри келади.

Иккинчидан, чекланган ва чекланмаган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта товонлари (тўловлари) миқдори ўртасида кескин фарқ мавжуд. Хусусан, транспорт воситасидан чекланмаган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта товонининг миқдори биринчисидан беш баравар ортиқдир.

Учинчидан, суғурта товони миқдоридаги бундай кескин тафовут, ўз навбатида, фуқаролар томонидан нархи пастроқ, аммо чекланган тарзда фойдаланиш бўйича суғурта полисларини танлашга олиб келмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар томонидан 98,3 фоиз (!), юридик шахслар томонидан эса 72,8 фоиз ҳолатда чекланган тарздаги суғурта шартномалари тузилганлиги буни яққол кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, бугунги кунда суғурта компаниялари томонидан мижозларга суғурта полислари бўйича тўловларни амалга ошириш фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Жумладан, йўл транспорт ҳодисаси бўйича тўланиши лозим бўлган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб берилмаслиги боис фуқароларни ортиқча сансалорликка дучор қилиш натижасида аҳолининг суғурта компанияларига бўлган ишончи йўқотилган, десак янглишмаймиз.

Фуқаролар билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида мулоқотга киришган аксарият ҳайдовчилар томонидан суғурта компанияларига ишончсизлик, суғурта полисларини йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторларига ҳужжатни тақдим этиш учунгина мажбурий олаётгани таъкидлаб ўтилди.

Бинобарин, мазкур муаммоларнинг ечими ягона бўлиб, суғурта полисларини фақат бир турда, яъни фақат чекланмаган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи суғурта полисларини жорий қилиш ва суғурта товони миқдорини мўътадиллаштиришни талаб этади.

Юқоридаги статистик маълумотга таянган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, суғурта бадалининг қулай миқдорга пасайтирилиши суғурта компанияларига асло зиён етказмайди, **айни пайтда уларга қўшимча маблағлар келиб тушишини таъминлаш баробарида фуқароларнинг ҳуқуқини кенгайтиради.** Энг асосийси, мамлакатимизда бир турдаги чекланмаган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини берувчи суғурта полисларига эга ҳайдовчилар сони ошиб, уларга адолатли ва кафолатланган суғурта тизимининг жорий этилишига имкон яратилади.

Соҳа мутасаддилари бу борада ўзаро манфаатли тизим яратиб, аҳолига қулай механизмларни амалиётга жорий этиш тадоригини кўришса, айни муддао бўларди.

**Умиджон СУЛАЙМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

## БОШ ПРОКУРАТУРА ХАБАРЛАРИ

### СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАМАГАН ТАДБИРКОР

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Қибрай тумани бўлими томонидан ўтказилган терговга қадар текширувда, "G.Q.N" ҳамда "G.S.E" масъулияти чекланган жамиятлари раҳбари Улуғбек.Т. ва бошқалар корхоналар томонидан бажарилган ишлар ва товарлар реализациясидан келиб тушган 7,3 млрд. сўм пул маблағларини солиқ тўловларини тўламаслик мақсадида ҳисоботларда яшириб, бюджетга тўланиши лозим бўлган 1,4 млрд. сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари ҳамда маҳсулотлар сотувидан тушган 4,8 млрд. сўм нақд пул маблағларини банк муассасасига топширмасдан жуда кўп миқдорда савдо қоидаларини бузганликлари аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Улуғбек.Т. ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 184 ва 189-моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

### БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНДИ

Самарқанд вилояти юқумли касалликлар клиник шифохонаси томонидан электрон давлат харидлари порталига ҳар бирининг нархи 5 млн. сўмдан бўлган 10 дона (35 млн. сўмлик) "G" маркали кондиционер харид қилиш бўйича хусусий корхона билан электрон шартнома расмийлаштирилган.

Бироқ, хусусий корхона томонидан "G" маркали кондиционерлари ўрнига, нархи 2 млн. 425 минг сўм бўлган 10 дона (24 млн. 425 минг сўмлик) "А" русумли кондиционерлар олиб келиб ўрнатилиб, жами 10 млн. 575 минг сўмлик бюджет маблағлари ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган.

Бундан ташқари, шифохонада 31 ҳолатда жами 58 млн. 305 минг сўмлик дори воситалари қиммат нархларга харид қилиниб, анча миқдордаги бюджет маблағлари растрата йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан вилоят юқумли касалликлар клиник шифохонаси мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми "г" банди жиноят иши қўзғатилган.

**Бош прокуратура матбуот хизмати**

## "ADOLAT"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

### Жиноят иши қўзғатилган

*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 05.09.2019 йилдаги 80-сонли хатингиз юзасидан сизга шуни маълум қиладики, Бош прокуратурада "Тантана Ойбек Сервис" МЧЖ раҳбари М.Тўраеванинг "Азия Макс Инновацион" МЧЖ раҳбари М.Шохобов ва бошқаларнинг ҳаракатларидан норози бўлиб "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятига йўллаган мурожаати муқаддам кўриб чиқилган.*

*Аниқланишича, М.Тўраеванинг 04.12.2018 йилда "Тантана Ойбек сервис" МЧЖ билан "Азия Макс Инновацион" МЧЖ ўртасида маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномага асосан ўтказиб берилган 500,0 млн. сўм миқдоридаги пул маблағлари жамият раҳбари М.Шохобов томонидан ўзлаштириб юборилганлиги ва шартномада кўрсатилган маҳсулотлар етказиб берилмаганлиги ҳақидаги аризаси юзасидан Департаментнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилиб, натижасига кўра, 05.09.2019 йилда М.Шохобовга нисбатан ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми "а" банди ва 233-моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.*

*Ҳозирда мазкур жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари вилоят ИИБ ҳузуридаги тергов бошқармаси томонидан олиб борилмоқда.*

**А.ИМОМНАЗАРОВ,**
**Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси**

### Назорат тартибида ўрганилади

*Фуқаро О.Саидовнинг "Адолат" ижтимоий-сиёсий газетасига суд ҳужжатларидан норози бўлиб ёзган шикояти бўйича қуйидагилар маълум қилинади:*

*Ўзбекистон Республикаси ФПК 373-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар суд ҳужжатининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли.*

*Шикоятда баён қилинишича, О.Саидов даъвогар Дж.Базаровнинг жавобгарлар М.Базаров ва Қарши шаҳар 1-сон ДНИга нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво аризаси бўйича қабул қилинган фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2017 йил 24 февралдаги ҳал қилув қароридан норозилигини билдириб, низоли Қарши шаҳар, Олтин кўл кўчасидаги 6-уйнинг бир қисмини 2013 йил 5 июнда М.Базаровдан сотиб олганлигини важ қилган.*

*Бундан кўринишича, О.Саидов ФПК 373-моддаси асосида суд қарорига нисбатан назорат тартибида шикоят бериш ҳуқуқига эга шахс ҳисобланади.*

*Бироқ суд ҳужжатларига нисбатан назорат тартибида шикоят бериш тартиби ва муддатлари ФПКда аниқ белгиланган бўлиб, О.Саидов белгиланган тартибда шикоят билан тегишли суд харажатларини (давлат божи ва почта харажати) тўлаган ҳолда бевосита Олий судга мурожаат қилиши мумкинлиги, шундан сўнг унинг шикояти назорат тартибида ўрганилиши маълум қилинади.*

**Д.ИСРАИЛОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси**

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Фурқат Тожиев

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 1000.
«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Адади — 1874
Босишга топшириш вақти — 01.10
Босишга топширилди — 01.45
Баҳоси келишилган нархда

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 4 5 6